# СЕН – ҚУДРАТ МАНБАИ, САОДАТ МАСКАНИ, ЖОНАЖОН ЎЗБЕКИСТОНИМ!


O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ICHKI ISHLAR VAZIRLIGI

O'zbekiston Respublikasi
Ichki ishlar vazirligi nashri

Bosh maqsadimiz – xalq manfaatlariga xizmat qilish

# Postda
# На посту

2020-yil
20-avgust
payshanba

№ 29 (4467)

Gazeta 1930-yil 12-maydan chiqa boshlagan / Web-site: www.postda.uz / E-mail: info@postda.uz


Республика махсус комиссиясининг қарорига асосан, карантин даврида маҳаллий йўналишларда темир йўл қатновларини йўлга қўйишнинг вақтинчалик тартиби тасдиқланди. Унга кўра, 15 августдан «Тошкент» вокзалидан Самарқанд, Навоий, Бухоро ва Қарши шаҳарларига «Афросиёб» тезюрар поезди қатнови бошланди. Бундан ташқари, Тошкентдан водий вилоятларига ҳам тезюрар поездлар фаолияти қайта йўлга қўйилди.

2




**Эркин ВОҲИДОВ,**
**Ўзбекистон халқ шоири.**

*Юртдошим,*
*боғингга бир ниҳол қада,*
*Бу ниҳол номини*
*яхшилик ата.*
*Ниҳолинг ёнига*
*бир гул экиб қўй,*
*У гулнинг исмини*
*гўзаллик деб қўй.*

*Гулу ниҳолингга*
*бахш этиб ҳаёт,*
*Сув бер ва бу сувга*
*меҳр деб қўй от.*
*Сендан фарзандингга*
*боғ қолсин, эй дўст,*
*Боғинг Ватан деган*
*ном олсин, эй дўст.*

# ПЎЛАТ КАРВОНЛАР ЯНА МАНЗИЛЛАР САРИ



## МУСТАҚИЛЛИК ТЕНГДОШЛАРИ



# «ЮРТИМ БИЛАН ФАХРЛАНАМАН»



**Мустақиллик тенгдошларидан бири Муроджон Раҳмонов Андижон вилояти Балиқчи туманида таваллуд топган. 29 ёшли капитан М. Раҳмонов ҳозирда ИИВ Махсус операцияларни мувофиқлаштириш бошқармасининг Андижон вилояти бўйича махсус отряди бош мутахассиси. У Ватан тинчлиги ва осойишталигига муносиб ҳисса қўшишни фахрли бурч деб билгани, бунинг учун ўз ишининг устаси бўлиш ўта муҳимлигини яхши англагани боис ўз мақсадларига эришиб келмоқда.**

Капитан М. Раҳмонов болаликдаги орзуси, яъни офицер бўлишга эришгани учун ўзини бахтли инсонлардан бири, деб ҳисоблайди. У ИИВ Тошкент олий ҳарбий-техник билим юртини (ҳозирги Миллий гвардиянинг Тошкент олий ҳарбий-техник институти) тамомлаган.

– Ҳар йили 1 сентябрни ўзгача шукуҳ, кўтаринки кайфиятда кутиб оламан, – дейди капитан Муроджон Раҳмонов. – Ўтган 29 йил давомида мамлакатимиз ҳар соҳада мислсиз ютуқларга эришди, уни бутун дунё тан олди. Ёш авлод эса ушбу ютуқларни сақлаб қолиш, уларнинг бардавом бўлишига ҳисса қўшиш учун бор куч ва билимини сарфлаши лозим.

Мустақиллик тенгдоши бўлиш нафақат шараф, балки катта масъулият ҳамдир. Шунинг учун ота-онам, халқим ва Ватанимнинг ишончини оқлаш йўлида бор билим ва куч-ғайратимни сарфлашга интиламан. Шундай хизмат қилишни истайманки, оилам мен билан фахрлансин, меҳнатларим юртимга фойда келтирсин. Бошимиз узра доимо қуёш чарақлаб, осмонимиз мусаффо бўлсин, юртдошларим ҳамиша соғ-саломат ва бахтиёр умр кечиришсин.

**Борис КЛЕЙМАН,**
**«На посту» мухбири.**
*Андижон вилояти.*

## ТРАНСПОРТДА ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛИДА

# ПЎЛАТ КАРВОНЛАР ЯНА МАНЗИЛЛАР САРИ




*(Давоми. Бошланиши 1-бетда).*

Карантин талабларига жавоб берадиган барча шароит муҳайё қилинган вокзалларда темир йўл хизмати ходимлари, Тошкент минтақаси темир йўл транспортида хавфсизликни таъминлаш бошқармаси соҳавий хизматлари бир тану бир жон бўлиб хизмат олиб боришмоқда. Бошқарманинг Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлими томонидан мазкур йўналишдаги йўловчи поездларни кузатиш вақтида фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш, карантин қоидаларига амал қилиши қатъий назоратга олинган. Барча йўловчиларга бир марталик ҳимоя ниқоблари ва қўлқоплар берилмоқда. Вокзал ҳудудида йўловчиларнинг ижтимоий масофани сақлаш тартиби, йўналтирувчи махсус тасмалар бўйлаб ҳаракатланиши назорат қилинмоқда.









«Ўзбекистон темир йўллари» АЖ тасарруфидаги Марказий санитария-эпидемиология станцияси мутахассислари томонидан вокзалга кираётган ҳар бир йўловчи дезинфекция қилиниб, тепловизорда ҳарорати ўлчанмоқда. Тана ҳарорати 37 даражадан юқори бўлган йўловчилар шифокорлар назоратига топширилади ва бундай йўловчиларга темир йўл хизматларидан фойдаланишга рухсат берилмайди.

Энг муҳим янгиликлардан бири, поезд чипталарининг онлайн сотилишига кенг йўл берилганидир. Бу нафақат коронавирус инфекцияси юқтириб олиш омилини камайтиради, балки йўловчиларнинг вақти ва маблағи тежалади. Чипталарнинг қўлга чиқиб кетишининг олди олинади. Электрон чиптага эҳтиёжи бўлмаганлар бемалол темир йўл вокзали чиптахоналаридан чипта харид қилиши мумкин.

Тошкент вақти билан соат 8:47. Шу пайтда вокзалга Бухородан Тошкентга ҳаракатланган юқори тезликдаги 765-сонли «Афросиёб» поезди кириб келди. Йўловчилар бирин-кетин вагонларини тарк этиб, манзили томон ошиқмоқда. Барча бирдай хурсанд, кайфиятлар аъло.



– Бухоро вокзалидан эрталабки соат 4:55 да йўлга чиққандик. Мана, ҳаш-паш дегунча пойтахтга етиб келдик, – дейди ушбу йўналишда хизматни ўтаб қайтган ИИВ Транспортда хавфсизликни таъминлаш бош бошқармаси Йўловчи поездларни кузатиш батальони Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси гуруҳи инспектори, лейтенант Улуғбек Мирзакаримов. – Йўл давомида ҳеч қандай кўнгилсиз воқеа, ҳуқуқбузарлик ёки қонунбузилиши ҳолати содир бўлмади. Барча йўловчилар поездлар қатнови йўлга қўйилганидан жуда хурсанд. Аксарият йўловчилар карантин талабларига риоя қилишга одатланганига гувоҳ бўлдик. Йўловчилардан бўшаган вагонларни кузатиш давомида унутиб қолдирилган буюм ва бошқа нарсалар аниқланмади. Бундай ижобий натижалар ҳаммани хурсанд қилади, албатта.




**Абу КЕНЖАЕВ,**
**«Postda» фотомухбири.**
**Муаллиф олган суратлар.**

ЮКСАК МУКОФОТ СОҲИБЛАРИ

# ҚАСБГА БЎЛГАН САДОҚАТ



**Юртимизда коронавирус пандемияси туфайли юзага келган мураккаб ва синовли кунларда ҳаёти ва соғлиғини хавф остига қўйиб, мавжуд хатарларга қарши курашишдаги фидойилиги ҳамда жасорати учун Хоразм вилояти ИИБ ЙҲХБ алоҳида ЙПХ отряди 1-сафарбар гуруҳи командири, капитан Алимардон Йўлдошев давлатимизнинг юксак мукофоти – «Шуҳрат» медали билан тақдирланди.**



Хонқа туманидаги Сарапаён қишлоғида туғилиб ўсган Алимардон муддатли ҳарбий хизматни ўтаб қайтгач, Тошкент автомобиль йўллар институтига ҳужжатларини топширди. Интилиш, изланиш бесамар кетмади. Алимардон талабаликка қабул қилинди. Орадан йиллар ўтди. Олий маълумот ҳақидаги дипломни қўлга олган Алимардон ички ишлар органларида хизмат қилиш ниятида ИИВ Академияси Сержантлар таркибини тайёрлаш бўйича олий курсларига ўқишга кирди. У соҳага оид адабиётларни қунт билан ўрганди. Ўқув ва амалий машғулотларда фаол иштирок этди. Айниқса, ўқув-дала полигонида ўтказилган амалий машғулотлар унинг бу касбга бўлган қизиқишини янада оширди.

Илм масканини тугатган Алимардон Урганч шаҳар ИИБ ЙҲХБда катта инспектор лавозимида хизмат фаолиятини бошлади. Шаҳар ҳудудидаги транспорт воситаларининг серқатнов ҳаракати, уларни назорат қилишдаги қийинчиликлар ёш инспекторни шошилтириб қўйди. Бундай пайтда устозлари майорлар Умирбек Рўзметов ҳамда Бахтиёр Машариповларнинг йўл-йўриқлари, маслаҳатлари унга қўл келди. Орадан бир неча ой ўтгач, барча қийинчиликлар ортда қолди. Энди у зиммасига юклатилган вазифаларни ўз вақтида бажариб, шахсий таркиб ўртасида ўтказилаётган турли мусобақаларда, танловларда иштирок эта бошлади. Ёш бўлса-да, ҳамкасбларига ўрнак бўлаётган бу йигит йўлларда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, йўл-транспорти ҳодисаларининг олдини олишда яхши натижаларга эришди.

Айни кунда капитан А. Йўлдошев вилоят ИИБ ЙҲХБ алоҳида ЙПХ отряди 1-сафарбар гуруҳи командири лавозимида хизмат фаолиятини давом эттирмоқда.

– Карантин жорий қилинган илк кунларданоқ вилоят ҳудудида транспорт воситаларининг ҳаракатланишида муайян чекловлар ўрнатилди, – дейди капитан Алимардон Йўлдошев. – Бу, ўз навбатида, ЙПХ инспекторлари зиммасига янада катта масъулият юклади. Энди улар йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш билан бирга шаҳар ҳудудига кириб келаётган ҳамда чиқиб кетаётган ҳар бир транспорт воситасининг белгиланган карантин қоидаларига риоя этишини ҳам назорат қила бошлашди. Бундай пайтда ЙПХ инспекторлари ниҳоятда хушёр ва сергак ҳолда хизмат олиб бормоғи лозим. Ҳар куни ходимларимиз билан ўтказилаётган хизмат тақсимотида бу масалага алоҳида эътибор қаратдик.

Лавҳамиз қаҳрамони командирлик қилаётган 1-сафарбар гуруҳи ЙПХ инспекторлари жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 22634 та қоидабузарликларни аниқлашга эришди. Шундан 9715 таси қўпол, 261 таси маст ҳолатда транспорт воситасини бошқариш, 136 таси уяли алоқа телефонидан фойдаланиш, 1369 таси тезликни ошириш, 405 таси светофорнинг қизил чироғида ҳаракатланиш, 127 таси автомашина ойналарининг тусини ўзгартириб ҳаракатланиш каби қоидабузарликлардир. Бундан ташқари, «Қидирув» тадбирларида ҳам фаол иштирок этиб, тергов ва суд идораларидан яшириниб юрган 2 нафар шахсни қўлга олишга ўз ҳиссасини қўшди.

– Карантин талабларига риоя қилмаслик маъмурий ёки жиноий жавобгарликка тортилишига сабаб бўлиши такрор ва такрор айтиляпти, – дейди капитан А. Йўлдошев. – Афсуски, баъзи фуқароларимиз шунга қарамай, ушбу талабларга амал қилмасдан, ўзларига тегишли бўлган транспорт воситаларида мақсадсиз кўчага чиқиб, «сайр» қилишмоқда. Улар бу хатти-ҳаракати билан ўзларининг, ўзгаларнинг ҳаётини хавф остида қолдиришяпти.

Карантин ҳолати жорий қилинганидан буён хорижий мамлакатларда бўлиб қайтган фуқароларни кутиб олиш, белгиланган карантин чекловлари бекор қилинган ҳамда тиббиёт масканларидан соғайиб чиққан инсонларни яшаш манзилларигача кузатиб қўйиш вазифаси ҳам бевосита қаҳрамонимиз қўл остидаги ходимлар томонидан амалга оширилди.

Оғир ва синовли кунларда бундай фидойилик, касбга бўлган садоқат, халққа камарбаста бўлиш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди. Капитан Алимардон Йўлдошев давлатимизнинг юксак мукофотига сазовор бўлган экан, бу унинг хизматига берилган муносиб баҳодир.

**Худойберган ЖАББОРОВ,**
**«Postda» мухбири.**
**Саъдулла АБДУЛЛАЕВ**
**олган сурат.**

# ФИДОЙИЛИК ЭЪТИБОРСИЗ ҚОЛМАЙДИ



Фарғона вилояти ИИБ Патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бошқармаси бўлинма командири, сержант Муроджон Тиркашев Фарғона шаҳрига киришда ташкил қилинган блок-постда хизмат вазифасини ўтаётган эди. Тўсатдан уяли алоқа телефони жиринглади. Қараса, батальон командири қўнғироқ қиляпти.

– Эшитаман, ўртоқ бошлиқ, – деди у.

– Тиркашев, хушхабар бор, – деди батальон командири кўтаринки руҳда. – Президентимиз фармони билан сенга **«Содиқ хизматлари учун»** медали берилди. Табриклайман!..

– Бу хабарни эшитиб, анчагача ҳаяжоним босилмади, – дейди сержант Муроджон Тиркашев. – Юртдошимизнинг «Коронавирус пандемиясига қарши курашишда фидойилик кўрсатган юртдошларимиздан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги фармони матнини расмий сайтлардан топиб, ўқиганимдан сўнг ҳаяжоним икки ҳиссага ортди. Бу эътибордан руҳланиб, келгусида бундай ишончни оқлаш учун янада масъулият ва ғайрат-шижоат билан хизмат қилишга астойдил ҳаракат қиламан.

Муроджон хушхабарни дастлаб отаси Маъмуржон Тиркашевга айтди. Отахон хабарни эшитгач, кўзларига қувонч ёши инди, шекилли, бир муддат жимиб қолди. Кейин:

– Ҳалол ва фидойи меҳнат ҳеч қачон эътиборсиз қолмайди, болам! Илоҳим, умрингдан барака топгин. Билдирилган юксак ишончга доим муносиб бўлишга ҳаракат қил, – деди.

2008 йилдан буён ички ишлар органларида хизмат қилиб келаётган сержант Муроджон Тиркашев юксак мукофотга бежиз сазовор бўлгани йўқ. У юртимизда карантин тартиби жорий этилган дастлабки кунлардан бошлаб Фарғона вилоятида ташкил этилган карантин масканларида хизмат олиб бормоқда. Чартер рейслар билан хориждан олиб келинган юртдошларимиз кузатувга олинган тиббиёт масканида жамоат тартибини сақлашга жалб этилиб, саломатлигини хавф остига қўйиб бўлса-да, ўзининг зиммасига юклатилган вазифани сидқидилдан бажаряпти.



Унинг она Ватанга ва касбига бўлган юксак садоқати муносиб эътироф этилди. Демак, бу юртда фидойилик ҳамиша юксак қадрланади.

**Афзалхон ФОЗИЛХЎЖАЕВ,**
**подполковник.**

## Қандай ҳолларда ЙПХ ходими томонидан ҳайдовчилик гувоҳномаси олиб қўйилади?

Агар содир этилган ҳуқуқбузарлик учун қонунчиликда транспортни бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этиш тарзидаги жазо қўллаш белгиланган бўлса, ҳайдовчилик гувоҳномаси ЙПХ ходими томонидан олиб қўйилиши мумкин.

Бошқа ҳолларда ҳайдовчилик гувоҳномасини олиб қўйишга йўл қўйилмайди.

Ҳайдовчилик гувоҳномаси олиб қўйилганда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомага, шунингдек ҳайдовчилик гувоҳномасининг талонига тегишли ёзув киритилади ва талон ҳайдовчига қайтариб берилади.



Масалан, хавфсизлик камари тақмаганлик учун ҳайдовчилик гувоҳномасини олиб қўйиш мумкин эмас.

Маст ҳолда транспорт воситасини бошқарганлик учун эса ҳайдовчилик гувоҳномаси олиб қўйилади чунки, ушбу ҳуқуқбузарлик учун транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этиш жазоси белгиланган.

**Эслатма: транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиш чораси фақат суд томонидан қўлланилади.**

«Ҳуқуқий ахборот» телеграм каналидан олинди.

РЕПОРТАЖ

# ЯНГИ ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАР

## йўлларда ҳаракат хавфсизлигини таъминлашда қўл келаётир

**Эрталабки соат 9:00. Тошкент вилояти ИИББ ЙҲХБ ахборот-диспетчерлик хизматида иш қизғин. Навбатчи ёрдамчиси, сержант Ортиқхўжа Пўлатов қўнғироқларга тезкорлик билан жавоб бермоқда.**

**Келаётган хабарларда турли хил, жумладан, автомобиллар тўқнашуви, транспорт воситасининг пиёдани уриб юбориш ҳолати, велосипед ҳайдовчисининг айби билан рўй берган воқеа ҳамда бошқа ҳодисалар ўз аксини топган. Сержант О.Пўлатов барча ҳолатлар бўйича маълумотларни тегишли тартибда махсус қайд китобига киритади.**

**Қайд китобини кўздан кечирарканмиз, бир неча ой илгари юз берган ҳолат диққатимизни тортди.**



Бу М-39 автомобиль йўлининг Янгийўл туманидан ўтган қисмида «Howo» русумли юк автомашинаси ҳайдовчиси О.Э. транспорт воситасини бошқариб кетаётиб ёнлама оралиқ масофани сақламасдан йўл четида кетаётган эшак аравани туртиб юборади. Натижада аравада бўлган Янгийўл туманилик П.Ж. ва Ш.Ж. тан жароҳати олиб, шифохонага ётқизилади. Шифокорларнинг саъй-ҳаракати билан уларнинг ҳаёти сақлаб қолинди. Ҳайдовчига нисбатан эса тегишли жазо чораси қўлланилди.



– Бундай нохуш ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида вилоят ИИББ ЙҲХБ томонидан тегишли тадбирлар амалга оширилмоқда, – дейди бошқарманинг йўл назорати бўлими бошлиғи, подполковник Эркин Раҳмонбердиев. – Натижада қоидабузарликлар камайишига эришилмоқда. Жорий йилнинг дастлабки 7 ойини таҳлил қиладиган бўлсак, умумий қоидабузарликлар сони 225 минг 580 тани ташкил этган.

Маълумки, энг аянчли йўл-транспорт ҳодисалари тезликни ошириш оқибатида келиб чиқади. Шунинг учун вилоят ҳудудида «АвтоКом» русумидаги тезлик ўлчаш мосламаси ва тегишли мосламалар билан жиҳозланган махсус хизмат автомашиналари ёрдамида ҳам қоидабузарликлар аниқланмоқда. Шуни айтиш керакки, мазкур автомобилларнинг ташқи олд қисмига ҳаракатда, шунингдек, стационар тартибда ишлашга мослаштирилган фоторадар комплекси ўрнатилган.

**Автомобиль салонида жойлашган юқори мегапикселли фотокамера 1 тадан 6 тагача ҳаракат бўлаклари бўлган йўлларда йўналиш бўйлаб, қарама-қарши йўналишда ҳаракатланаётган ва белгиланган тезлик талабларини бузган транспорт воситаларининг қоидабузарлигини автоматик тарзда қайд этади. Комплекс таркибига кирувчи ва автомобилнинг олд қисмига ўрнатилган махсус чироқ қоронғи ва етарлича кўринмаслик шароитида автомобилнинг давлат рақам белгиларини таниб олишга ёрдам беради.**

ИИВ раҳбариятининг кўрсатмасига биноан, жамоат тартибини сақлаш ва жиноятчиликнинг, шунингдек, йўл-транспорт ҳодисаларининг барвақт олдини олиш мақсадида Юқоричирчиқ туманини йўл-транспорт ҳодисаларидан холи ҳудудга айлантириш вазифаси қўйилди.

Маҳаллий ҳокимлик ва йўл идоралари билан биргаликда барча хавфсизлик талабларига жавоб берадиган, ҳатто куннинг қоронғи вақтида ҳаракатланаётган ҳайдовчи узоқдан нурли йўлакчани, у ердан ўтаётган пиёдаларни бемалол кўриш имкониятини берадиган **«Хавфсиз пиёдалар ўтиш жойлари»**ни ташкил этиш чоралари кўрилди. Бундан ташқари, пиёдалар ўтиш жойини билдирувчи йўл белгиси тепасига қуёш батареясида ишловчи, қизил ва кўк рангларда порлаб турувчи маёқчалар ҳам ўрнатилдики, бу ҳам ҳайдовчи эътиборини ўзига қаратиб, унинг ҳушёрлигини оширишга хизмат қилади.

Бундан ташқари, 4Р12 «Бектемир – Чирчиқ – Ғазалкент» автомобиль йўлининг бир нечта жойига шовқин чиқарувчи ва ҳайдовчиларни **огоҳликка чорловчи чизиқлар** чизилди. Бу чизиқлар автотранспорт воситасига ҳеч қандай зарар етказмайди. Улар устидан машина ўтганида рўй берадиган енгилгина силкиниш ва ўзига хос товуш ҳайдовчини сергакликка чорлайди.

Таҳлиллар автоҳалокатлар асосан чорраҳаларда содир этилишини кўрсатмоқда. Шуни инобатга олган ҳолда, «Тўйтепа – Тошкент» ва «Сирғали – Юқоричирчиқ» автомобиль йўллари чорраҳасидаги светофорларнинг ишлаш тартибига ўзгартириш киритилди. Яъни, қайси йўналишда бўлишидан қатъи назар, яшил чироқдан кейин сариқ чироқ ёнади ва тўрт томондаги светофор ишоралари бир вақтда қизил чироққа алмашади. Бу жараён 5 сония давом этади. Ана шу вақт оралиғида чорраҳада ўз ҳаракатини якунлаётган транспорт воситалари бошқаларига халал бермаган ҳолда чорраҳани бўшатади. Мазкур янгилик жорий этилишидан олдинги бир ойда 12 та йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлган бўлса, янгиликдан кейинги бир ойда бу каби тўқнашувлар умуман қайд этилмади.

Шунингдек, йўл-транспорт ҳодисаларининг кўпчилиги қоронғи вақтда, ўртача 14-15 фоизи сунъий ёритилмаган йўлларда содир этилаётганлигини инобатга олиб, йўналиш кўрсатувчи нур қайтарувчи йўл белгилари ўрнатилди. Ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш самарадорлигини ошириш мақсадида ҳайдовчиларга тунги вақтда, шунингдек, ёғингарчиликлар пайтида ҳам автомобиль йўли қатнов қисмининг чегарасини кўрсатиб турувчи замонавий, инновацион, нур қайтарувчи, эластик эгилувчан 70 та огоҳлантирувчи устунча ўрнатилди. Транспорт воситаси бирор-бир сабаб билан йўлдан чиқиб кетиб уларга урилганида, ушбу устунчалар эгилиб қолади ва транспорт воситасига жиддий шикаст етказмайди.

Ҳозирда 4Р12 «Бектемир – Чирчиқ – Ғазалкент» автомобиль йўлининг 1-километридан 6-километригача бўлган оралиғи қайта реконструкция қилиниб, икки полосали йўлдан биринчи тоифали олти полосали йўлга ўтказилмоқда. Мазкур йўл четидан эса пиёдалар ва велосипед ҳайдовчилари учун 12 километрлик алоҳида йўлаклар ташкил этиляпти. Бу йўлакчалар қатнов қисмидан анча ичкарида жойлашган бўлиб, хавфсизлик талабларига тўлиқ жавоб беради.



Хавфсиз пиёдалар ўтиш жойлари



Огоҳликка чорловчи чизиқлар

**Юқоричирчиқда олиб борилаётган ишлар яхши самара бераётганлиги сабабли, эндиликда Оҳангарон туманида ҳам бу тажриба жорий қилиниши кўзда тутилган.**

Амалий ишлар аллақачон бошлаб ҳам юборилган. Бунга амалга оширилаётган ишлар билан яқиндан танишиш мақсадида Оҳангарон туманининг А373 «Олмалиқ – Тошкент» автомобиль йўли бўйлаб кетаётганимизда гувоҳ бўлдик.

«Шодмалик ота» зиёратгоҳи катта трассанинг бўйида жойлашган. Бу ерга кўплаб зиёратчилар ва сайёҳлар ташриф буюради. Шунинг учун пиёдалар ўтиш жойига тунги вақтда кўринишни яхшилаш ва хавфсизликни таъминлаш мақсадида лед чироқлари ўрнатилмоқда.

– Яна бир нарсага эътиборингизни қаратмоқчиман, – дейди подполковник Э.Раҳмонбердиев. – Зиёратгоҳнинг қарама-қарши томонига, йўл бўйига эҳсон қутиси ўрнатилган. Биз ушбу қутидан сал нарироққа, хориж тажрибасидан ўрганиб, замонавий чиқинди қутисини жойлаштирдик. 15-20 метрлар олдинроқда огоҳлантирувчи белги ҳам ўрнатдик. Кимдир эҳсон қилиш учун тўхтаганида, чиқинди қутисини кўради ва автоуловидаги кераксиз нарсасини шу ерга ташлайди, натижада атроф-муҳит тозалиги сақланади.

Йўлда давом этиб, Бўстонлиқ туманига олиб борувчи «Бектемир – Чирчиқ – Ғазалкент» автомобиль йўлининг «Истиқлол» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида тўхтадик. Бу ерда вилоят ИИББ ЙҲХБ ЙПХ батальони махсус отряди ходимлари – ЙПХ катта инспектори, кичик сержант Валижон Абдуллаев ва инспектор, сафдор Маҳмуд Комилов хизматда экан. Улар транспорт оқими энг кўп бўлган Бўстонлиққа олиб борувчи йўлнинг мазкур қисмида масъулиятни ҳис қилган ҳолда хизмат олиб боришаётганига гувоҳ бўлдик.

Бир сўз билан айтганда, янги инновацион технологияларнинг амалиётга изчиллик билан жорий этилиши ҳудудни йўл-транспорт ҳодисаларидан холи ҳудудга айлантириш йўлида жонбозлик кўрсатаётган вилоят ИИББ ЙҲХБ шахсий таркибининг фаолиятида бундан кейин ҳам ижобий натижалар бўй кўрсатаверади.

**Сарвар СОБИРОВ, «Postda» мухбири.**

*Тошкент вилояти.*

**Содиқ ҲАКИМОВ олган суратлар.**



ЭКСПЕРТ-КРИМИНАЛИСТИКА ХИЗМАТИ

# АНИҚЛИК, МОҲИРЛИК, СИНЧКОВЛИК



## жиноятларнинг тезда фош этилишида энг муҳим омиллардир

Ҳозирда вилоят ИИБ Эксперт-криминалистика бўлими ва шаҳар-туман ИИБларида фаолият юритаётган мутахассислар ўзларига бириктирилган вазифаларни сидқидилдан адо этиб, турли жиноятларни очишда жонбозлик кўрсатишаётир.

– Жорий йилнинг ўтган 7 ойи мобайнида ходимларимиз 1245 марта ҳодиса жойини кўздан кечириш жараёнларида қатнашиб, шундан 931 тасида ашёвий далиллар олинди, – дейди вилоят ИИБ ЭКБ бошлиғи, подполковник Жасур Пардаев. – Воқеа жойларини кўздан кечириш чоғида 592 та қўл-бармоқ изи олиниб, таққослаш учун яроқли бўлган 10 та қўл-бармоқ излари ЭКБда мавжуд бўлган «Сонда» автоматлаштирилган дактилоскопик таққослаш тизими базасига киритилди. Ушбу дастур хотирасида мавжуд бўлган фуқароларнинг қўл-бармоқ изларига солиштириб кўриш натижасида 11 та жиноят фош этилди.

– Содир этилган жиноятларни «иссиқ изида» криминалистик йўл билан фош этиш мақсадида шаҳар-туман ИИБларига, реабилитация марказига турли сабабларга кўра олиб келинган, профилактик ҳисобда турувчи жами 520 мингга яқин фуқароларнинг қўл-бармоқ излари олинган дактокарталар яратилган, – дейди вилоят ИИБ ЭКБ таҳлил ва техник назорат катта эксперти, майор Ориф Ҳалимов. – Улар «Сонда» автоматлаштирилган дактилоскопик таққослаш тизими дастурига киритилган бўлиб, бу содир этилган жиноятларни тез аниқлаш учун воқеа жойидан олинган қўл-бармоқ излари билан солиштиришда қўл келмоқда. Энг муҳими, бундай имконият охирги икки йил ичида шаҳар-туман бўлинмаларида ҳам яратилди.



Бўлимда иккита лаборатория мавжуд бўлиб, бирида қурол-яроғларнинг техник жиҳатдан яроқлилиги синовдан ўтказилса, иккинчисида гиёҳвандлик воситалари текширилади.

– Кимёвий таҳлиллар ўтказиладиган лабораториямизда келтирилган моддаларни ўлчаш учун барча асбоб-ускуна ва кераклли жиҳозлар бор, – дейди катта эксперт, майор Анвар Шарапов. – Мазкур жараёнларнинг барчаси кузатув камераси орқали назорат қилинади. Бу ишда аниқ ўлчам ва тўғри таҳлил зарур. Чунки экспертнинг берган хулосаси асосида жиноятнинг даражаси ва айбланувчининг тақдири ҳал бўлади.

Ҳақиқатан ҳам, ўта нозик соҳа вакилларининг зиммасидаги масъулият оғир. Бу улардан аниқлик, моҳирлик, синчковликни талаб этади. Шу билан бирга, орттирилган тажриба ҳам муҳим ўрин тутади. Шу боис бўлимдаги экспертлар янги тажрибаларни ўрганиш мақсадида мунтазам равишда малака ошириб келишмоқда. Жумладан, жорий йил бўлим экспертлари – лейтенантлар Ф.Абдураҳмонов ва Б.Турсунов ИИВ ЭКБМда малакасини ошириб қайтишди. Уларга махсус кимёвий воситалар, психотроп моддалар ва прекурсорлар йўналишлари бўйича ишлашга рухсатнома берилди. Ҳозирда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан тайинланган қарорлар асосида тадқиқотлар ўтказиб, тегишли хулосаларни беришмоқда.

Қувонарлиси, жамоада бирдамлик, ҳамжиҳатлик бор, ҳамкорлик яхши йўлга қўйилган. Бу иш сифати ва кўламини оширибгина қолмай, ходимларга хизмат машаққатларини енгишга ҳам куч беради.

**Феруза РАҲМОНҚУЛОВА,**
**«Postda» мухбири.**
*Сурхондарё вилояти.*

БОР БЎЛ, ОҚИБАТ!

# СИНОВДАН БИРГАЛИКДА ЎТАМИЗ

**Меҳр-мурувват кўрсатиш халқимизга хос бўлган азалий қадриятдир. Бугунгидек оғир ва синовли кунларда бошқалар тақдирига бефарқ бўлмаган кўплаб юртдошларимиз ўзларининг имкониятларидан келиб чиққан ҳолда «COVID-19» инфекцияси билан оғриган беморларга беғараз ҳомийлик ёрдамларини кўрсатишмоқда.**

Урганч шаҳридаги «Саховат» маҳалласида истиқомат қилувчи тадбиркор Севинчбек Ибрагимов ҳам Хитой Халқ Республикасидан «COVID-19» инфекциясига чалинган беморлар учун 128 миллион сўмлик дори воситалари ҳамда 3 та кислород концентраторини олиб келди. Мазкур воситалар Хоразм вилояти ИИБ Хавфсиз туризмни таъминлаш бошқармаси ходимлари билан ҳамкорликда Урганч шаҳридаги Олимпия захиралари коллежида ташкил қилинган карантин объектида ҳамда вилоят эндокринология диспансерида даволанаётган оғир аҳволдаги беморларга тарқатилди. Шунингдек, дори-дармонларнинг бир қисми тадбиркор яшаётган маҳаллада уй шароитида даволанаётган беморларга ҳам берилди.



Бу каби фидойи ва жонкуяр юртдошларимиз билан ҳар қанча фахрлансак арзийди.

**Фарҳод РАҲИМОВ,**
**катта лейтенант.**
**Саъдулла АБДУЛЛАЕВ**
**олган сурат.**
*Хоразм вилояти.*

ҲИКМАТ



Мен чекмайман, лекин чўнтагимда гугурт қутисини олиб юраман. Юрагим гуноҳга ботиб кетганда, гугуртни ёқиб, кафтимга қўяман ва кейин ўзимга шундай дейман: «Али, сен бу иссиққа чидай олмас экансан, унда жаҳаннамнинг чидаб бўлмас иссиғига қандай дош берасан?»

**Муҳаммад АЛИ.**



ҲИКМАТ

Postda
На посту

СУЛОЛА

# ТИНИБ-ТИНЧИМАС ОМОНБОЙ АКА

**Ички ишлар органларида тўпланган тажрибанинг авлоддан-авлодга мерос бўлиб ўтиши, касбий анъаналарнинг янада сайқал топиб, изчил давом этиши тизим фаолияти ривожида катта аҳамият касб этади. Бинобарин, бу тинч ҳаётимиз барқарорлиги ва осойишталигини таъминлашдек муҳим вазифани бажаришга масъул ходимларни касбий танлаб олишнинг муҳим омили ҳисобланади.**



Андижон вилояти ИИБда бир қанча осойишталик посбонлари сулоласи юзага келган. Яъни узоқ йиллар муқаддам хизматни бошлаган оталарнинг ишини уларнинг фарзандлари, ҳозирда эса набира ва эваралари давом эттиришмоқда. Жамоат тартибини сақлаш, жиноятчиликка қарши курашиш, фуқаролар ва давлат мулкини ҳимоя қилишга улкан ҳисса қўшган шундай сулолалардан бири Мамасолиевлар оиласидир.

Сулола асосчиси Омонбой Мамасолиев 1945 йил 9 май куни, яъни фашизм устидан ғалабани нишонлаётган санада дунёга келди. Отаси Мамасоли ака бир умр қишлоқ хўжалиги соҳасида меҳнат қилди, онаси Ҳошияхон опа эса уйда фарзандлар тарбияси билан шуғулланди.

О.Мамасолиев олий таълим муассасасини тугатгач, қишлоқ мактабида рус тили ва адабиёти фанидан дарс берди. Армия сафида хизмат қилган чоғида захирадаги офицерларни тайёрлаш бўйича қисқа муддатли ўқув курсини тамомлагач, унга «лейтенант» унвони берилди.

1968 йилдан Омонбой Мамасолиев ички ишлар органларида фаолият юрита бошлади. Андижон вилояти ИИБда шахсий таркиб билан ишлаш бўйича инспектор, катта инспектор лавозимида хизмат қилди. Сўнгра хизматдан узилмаган ҳолда ИИВ олий мактабини (ҳозирги ИИВ Академияси) тугатди. Тажрибали офицерни вилоят ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўлими бошлиғи лавозимига тайинлашди. Омонбой ака бу лавозимда 10 йилдан ортиқ меҳнат қилди. Кейинчалик вилоят ИИБ жамоат тартибини сақлаш бўлимида хизмат қилди, 1994 йили «полковник» унвонида пенсияга чиққунига қадар турли раҳбарлик лавозимларида ишлади.

Шундан кейин ҳам ғайрат-шижоатли фахрий уйида тинч ўтира олмади. У яна уч йил Андижон давлат университетида ўқитувчилик қилди.

– Ерга бўлган муҳаббат, эҳтимол, отамдан ўтган бўлса керак, – дейди Омонбой ака. – Мен ҳеч иккиланмай Жалақудуқ туманида «Омонлик» фермер хўжалигини ташкил қилдим. Пахта ва буғдой етиштириш билан шуғулландим.

Рафиқам билан беш фарзандни тарбиялаб, вояга етказдик, олий маълумотли бўлишига, оёққа туришига кўмаклашдик. Тўнғич фарзандимиз Улуғбек Андижон қишлоқ хўжалиги институтини тамомлаб, узоқ йиллар мобайнида қишлоқ хўжалиги соҳасида меҳнат қилди, ҳозир фермер хўжалигини бошқаряпти. Исломбек менинг изимдан кетди, ички ишлар органларида ишлади. У профилактика инспектори, катта инспектори, Қўрғонтепа тумани ИИБ навбатчилик қисми тезкор навбатчиси сифатида хизмат қилиб, 2006 йили пенсияга чиқди. Яна бир ўғлим – Илёсбек ҳам олий таълим муассасасини битирган. 1999 йилдан ички ишлар органларида хизмат қилади. Ҳозирги пайтда у Миллий гвардиянинг вилоят бўйича Қўриқлаш бошқармаси алоҳида отрядининг командири, подполковник.

Айни кунда Мамасолиевларнинг катта оиласида 11 набира ва 10 эвара ўсиб-улғаймоқда. Таъкидлаб ўтиш жоизки, икки невара бобосининг изидан борди. Сафдорлар Баҳодир ва Илҳомбек Омонбоевлар Миллий гвардиянинг вилоят бўйича Қўриқлаш бошқармаси бўлинмасида хизмат қилмоқда.

– Мен исмлари вилоят ички ишлар органлари тарихига олтин ҳарфлар билан битилган инсонлар – Генерал-майорлар М.Султонов ва Ғ.Раҳимов, полковниклар А.Хатипов ва С.Қўчқоров, подполковник А.Ғозиев билан бирга ишлаш бахтига муяссар бўлганман, – дейди фахр билан истеъфодаги полковник Омонбой Мамасолиев. Уларнинг ёрдами билан ҳақиқий осойишталик посбонига айландим.



Кўп йиллик фаолияти давомида Омонбой ака устозларининг ишини давом эттириб, полковниклар Б.Тошматов, У.Абдураззоқов, А.Собиров каби ўнлаб муносиб шогирдларни тарбиялади.

Омонбой ака Андижон вилояти ИИБ Фахрийлар кенгаши раиси ўринбосари сифатида ёш ходимларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга қаратилган мақсадли ишларни олиб бормоқда. Қаҳрамонимиз бўлинмаларда тез-тез бўлиб, ёш ходимлар билан учрашувларда уларга хизмат йиллари ҳақида ҳикоя қилиб беради, тажрибаси билан ўртоқлашади, уларни ҳалол хизмат қилишга, ўз бурчини виждонан бажаришга чақиради.

Ўтган йили фахрийнинг азалий орзуси рўёбга чиқди. Унинг ички ишлар органларидаги хизмат фаолияти ҳақида ҳикоя қилувчи китоби кам тиражда чоп этилди. Унда хизмат йиллари, хизматдошлар, авлодларга қолган мерос, сулолалар, ички ишлар органлари фахрийлари ҳақида сўз юритилган, оилавий қадриятлар, Ватанга муҳаббат мавзуси кўтарилган.

**Борис КЛЕЙМАН,**
**«На посту» мухбири.**
*Андижон вилояти.*
**Муаллиф олган суратлар.**

МУСТАҚИЛЛИК ТЕНГДОШЛАРИ

**Муҳаммад ЮСУФ,**
**Ўзбекистон халқ шоири.**

*Сен билан ўтган ҳар кун байрам — базм,*
*Сенсиз бир он қолсам ваҳмим келади.*
*Сени билганларга қиламан таъзим,*
*Сени билмасларга раҳмим келади.*

# «ФИДОЙИ ИНСОН БЎЛИБ ЯШАШНИ ИСТАЙМАН»

## дейди кичик сержант Жавлонбек Жўраев

**Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари давлатимиз мустақиллиги, хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини таъминлашнинг муҳим кафолатидир. Масъулиятли ва шарафли вазифани ўз зиммасига олган, юрт тинчлигини барча нарсадан устун қўядиган она Ватан ҳимоячилари обод ва фаровон ҳаётимиз тинчлигини муносиб таъминлаётир.**

ИИВ Қоровул қўшинларига қарашли Наманган вилоятида жойлашган 7552-ҳарбий қисмнинг шартнома асосидаги ҳарбий хизматчиси, кичик сержант Жавлонбек Жўраев ҳам ана шундай юрт посбонлари сирасидан. У вилоятнинг Поп туманида туғилган. Болаликдан ҳарбий соҳага бўлган қизиқиш бир лаҳза ҳам уни тинч қўймасди. Шунинг учун спорт билан мунтазам шуғулланар, кўп китоблар ўқир, ўз устида тинимсиз ишлашдан тўхтамасди. Мактабни тамомлаб, касб-ҳунар коллежига ўқишга қабул қилинган Жавлонбекнинг ҳарбийликка бўлган иштиёқи янада ортди. Шундан сўнг, коллежни яхши баҳоларга тамомлаб, муддатли ҳарбий хизматга отланди, соҳанинг сир-асрорларни ўрганди, машаққатларни кўрди, бошидан ўтказди.

Фаолияти давомида қийинчиликларни сабот билан енгиб, ўзининг намунали хулқи билан раҳбариятнинг назарига тушди. 2015 йил Наманган вилояти ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралари ходимлари ўртасида ўтказилган спортнинг енгил атлетика тури бўйича мусобақада 3-ўринни қўлга киритди.



2020 йилнинг июнь ойида ҳарбий қисм миқёсида ўтказилган тактик ўқув машғулотларида фаол қатнашиб, ўзига ишониб топширилган жанговар вазифани аъло даражада бажарганлиги учун ҳарбий қисм қўмондонлигининг ҳам Фахрий ёрлиғи билан мукофотланди.

Мустақиллигимиз тенгдоши бўлган Жавлонбек ҳозирда икки нафар фарзанднинг севимли отаси.

– Фарзандларим эл корига ярайдиган, Ватани ва халқи учун ёниб яшайдиган жонкуяр, фидойи инсонлар бўлиб яшашини истайман, – дейди лавҳамиз қаҳрамони. – Бу йўлда аввало уларга ўзим ибрат бўлишга интиламан.

Истагимиз шуки, Қуролли Кучларимиз сафида Жавлонбек сингари ҳақиқий ватанпарвар, хизмат бурчини садоқат билан бажара оладиган, ҳалол, виждонли посбонлар кўпаяверсин.

**Улуғбек МАМАДАЛИЕВ,**
**кичик сержант.**
**Ҳасан ҚОДИРОВ,**
**оддий аскар.**

РОВЕСНИКИ НЕЗАВИСИМОСТИ

# На них равняется подрастающее поколение

**Стало традицией в преддверии 1 сентября на страницах нашей газеты рассказывать о ровесниках независимости, которые служат в органах внутренних дел.**



У Бехзода Жураева, ныне старшего следователя Следственного управления при ГУВД г. Ташкента, была мечта – стать сотрудником органов внутренних дел. В свое время отец Бехзода, Дилмурод Каюмов, долгие годы прослужив в рядах блюстителей правопорядка, в звании старшего сержанта вышел на заслуженный отдых. Бехзод пошел по его стопам.

Уроженец Ташкентского района столичной области после окончания академического лицея при УзГУМЯ в 2010 году прошел вступительные экзамены и стал слушателем Академии МВД. К тому времени, когда перед Бехзодом и его сокурсниками встал вопрос о выборе направления профессиональной подготовки, он уже принял решение: только следственная работа. На четвертом курсе, во время прохождения практики в следственных подразделениях райуправлений г. Ташкента, в нем укрепилась уверенность в том, что это дело ему по душе.

После учебы молодого лейтенанта направили следователем в Следственный отдел РУВД (ныне УКД ОВД) Алмазарского района. Свое первое самостоятельно расследованное уголовное дело он помнит хорошо.

– Незначительное, как могут заметить некоторые, событие: неизвестный украл деньги из салона автомобиля, оставленного без присмотра. Это был первый мой выход в составе следственно-оперативной группы. Мой наставник, подполковник А. Борийхужаев, в те годы являвшийся следователем по особо важным делам (ныне он на заслуженном отдыхе) разъяснял, как правильно опрашивать свидетелей и пострадавшего, на какие детали надо обращать внимание. Вскоре, благодаря камерам видеонаблюдения и отпечаткам пальцев, злоумышленник был задержан. Следствие установило, что 35-летний Анвар (назовем его так) ранее был привлечен к уголовной ответственности по статье 273 Уголовного кодекса Республики Узбекистан. Но мужчина так и не сделал правильных выводов и вновь преступил закон.

Бехзод освоился быстро. Очень скоро ему стали поручать производство расследования по сложным, многоэпизодным уголовным делам. Благодаря коммуникабельности и хорошей теоретической подготовке, молодой следователь умело выстраивал взаимодействие с коллегами из других служб. У территориальных инспекторов профилактики он узнавал особенности характера не только подследственных, но и потерпевших и свидетелей, что помогало ему из разрозненных подчас показаний отбирать именно те сведения, которые необходимы для установления истины. Правильная постановка вопросов и задач перед экспертами-криминалистами и сотрудниками уголовного розыска также способствовали выбору верного пути расследования, исключению ошибочных версий и, что немаловажно, объективности. Старания Бехзода Жураева, его способности были замечены руководством. В итоге в июле 2018 года его назначили старшим следователем отдела Следственного управления при ГУВД г. Ташкента.

– На примере Бехзода, работающего у нас два года, я еще раз убедился, что на службу в органы внутренних дел не приходят случайные люди, во всяком случае, надолго такие не задерживаются. Бехзод проявил себя не только как старательный, ответственный следователь, но и как перспективный сотрудник, – говорит о своем подчиненном начальник отдела Следственного управления при ГУВД г. Ташкента подполковник З. Исломов. – Капитан Жураев пришел уже зрелым работником следственного звена. Он правильно относится к критике, внимательно выслушивает замечания, спрашивает совета, интересуется, как в дальнейшем избежать недочетов в работе. Правоприменитель потому так и называется, что его деятельность направлена на правовую оценку действий лиц – участников уголовного процесса. И для следователя, как правоприменителя, чрезвычайно важно стремление к постоянному совершенствованию, повышению знаний, необходимых для профессионального роста. Нужно идти в ногу с современными реалиями, изучать нововведения в законодательстве, поскольку от решений правоприменителя зависят судьбы людей.

Старший следователь Следственного управления при ГУВД г. Ташкента Бехзод Жураев – яркий пример того, как 29 лет суверенитета повлияли на характер целого поколения. Дети независимости самостоятельные, свободно мыслящие, целеустремленные, бесстрашные, мужественные, профессионально подготовленные. На них равняется подрастающее поколение.

**Азиза АГЗАМХОДЖАЕВА,**
**корреспондент «На посту».**

ДОБРОТА И ПОДДЕРЖКА

# Благотворительность



**Сотрудники УВД Самаркандской области и его подразделений на местах продолжают проводить благотворительные мероприятия, направленные на оказание поддержки малообеспеченных семей, граждан, нуждающихся в помощи, а также лиц, в связи с пандемией оставшихся без работы.**




Мероприятия охватили сотни нуждающихся семей. Помощь оказывалась как продуктами питания, так и в виде трудоустройства неработающих.

– Стараемся оказать адресную помощь пожилым людям, безработным, семьям жителей, потерявших постоянную работу, чтобы хоть как-то поддержать их, – рассказывает заместитель начальника отдела кадров УВД Самаркандской области подполковник Ж. Кабулов. – Не остались в стороне и стражи порядка. Они несут службу на блокпостах, контактируют с людьми и находятся в постоянной зоне риска. Некоторые из них при исполнении служебного долга заразились вирусом и прошли лечение. На днях по инициативе профсоюзного комитета мы посетили 35 семей сотрудников и вручили им помощь в виде продуктов питания.

Система социально-правовой поддержки сотрудников предусматривает порядок поступления вне конкурса в высшие образовательные учреждения республики детей сотрудников, погибших или ставших инвалидами ввиду ранения в ходе противодействия терроризму, борьбы с преступностью и обеспечения общественной безопасности, а также предоставление льгот при поступлении в вузы республики для детей сотрудников органов внутренних дел, внесших достойный вклад в профилактику правонарушений и борьбу с преступностью, достигших высоких результатов в служебной или научной деятельности. Дети блюстителей порядка принимаются в дошкольные образовательные учреждения по месту жительства, отдыхают в летних оздоровительных лагерях МВД на льготных условиях.

Все это свидетельствует о том, что сотрудники органов внутренних дел, ввиду специфики службы, связанной с риском для здоровья и повышенными физическими и психологическими нагрузками, обеспечены достойной социальной защитой, что, без сомнения, сказывается на качестве выполняемой ими работы по обеспечению безопасности и мира в стране.

**Замира БАЛТАЕВА,**
**корреспондент «На посту».**
**Фото автора.**
*Самаркандская область.*

# ҚЎШСАҲИФАДА —

# ХИЗМАТИМИЗ ЭЛ ОСОЙИШТАЛИГИ УЧУН

**Вилоят ҳудудида жамоат хавфсизлигини ва криминоген вазият барқарорлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш, жиноятчиликка қарши курашиш ва фуқароларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида ички ишлар органларининг барча соҳавий хизматлари томонидан эътиборга молик кўплаб ишлар амалга оширилмоқда. Бунда бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, ҳокимлик ва жамоатчилик тузилмалари билан ҳамкорликка катта эътибор қаратилмоқда.**

Биргаликда ўтказилган кенг қамровли тадбирлар натижасида жорий йилнинг 6 ойи давомида баъзи турдаги жиноятларнинг содир этилишига йўл қўйилмади, айримлари сони камайишига эришилди. Хусусан, номусга тегиш жинояти қайд этилмади, ўлим билан тугаган йўл-транспорт ҳодисалари 10,1 фоизга камайди. Шунингдек, вилоятдаги 775 та маҳалла фуқаролар йиғинининг 513 тасида жиноят содир этилмагани, аёллар, ёшлар, муқаддам судланганлар ва ишсизлар томонидан содир этилган жиноятлар бирмунча камайгани ҳам эътиборлидир.

Ёшлар ва вояга етмаганлар ўртасида жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда уларнинг муаммоларини ўрганиш, ўқиш ва бандлигини таъминлаш муҳим ўрин тутади. Шу боис вилоятнинг барча шаҳар ва туманларида ёшлар билан кўплаб учрашувлар ташкил этилди.

Вилоят ички ишлар органлари томонидан аҳоли турмуш шароитини янада яхшилаш, ижтимоий қўллаб-қувватлаш, муҳтож оилаларга даромад манбаини яратиб бериш, уларни камбағалликдан чиқариш бўйича ҳам бир қатор ишлар амалга ошириб келинмоқда.

**Туман ва шаҳар ИИБ бошлиқлари раҳбарлигидаги секторлардаги 194 та маҳаллада 743 мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. 5 минг 745 та эҳтиёжманд оила аъзолари сони эса 27 минг 647 нафарни ташкил этади. Шулардан 10 мингдан зиёд меҳнатга лаёқатли фуқароларнинг 4 минг 350 нафари иш билан таъминланди. Айни пайтда меҳнатга лаёқатли фуқароларнинг қолганларини иш билан таъминлаш чоралари кўрилмоқда.**

Шунингдек, «Саховат ва кўмак» умумхалқ ҳаракати доирасида айни пайтгача 5745 та эҳтиёжманд оилага турли ташкилотлар, тадбиркорлик субъектлари, фермер хўжаликлари, жисмоний шахслар ва бошқа ҳомийлар томонидан 8 миллиард 552 миллион 217 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.

Вилоятда аёллар томонидан содир этилаётган жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш, айниқса, оила-турмуш доирасидаги жиноятларнинг келиб чиқишига сабаб бўлаётган омилларни аниқлашга катта эътибор қаратилмоқда. Жамиятда хотин-қизларнинг ҳуқуқий маданияти ва фаоллигини янада ошириш, мустақил ҳаётга қадам қўяётган қизларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, аёлларнинг муаммоларини жойларга чиқиб ўрганиш ва ижобий ҳал этиш мақсадида вилоят ИИБнинг тажрибали ходималаридан иборат «Аёллар ишчи гуруҳи» тузилди. Улар учун алоҳида автобус ажратилиб, жиҳозланди. Ишчи гуруҳ айни вақтда аёллар ишлаётган корхона ва ташкилотлар, муассасалар, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари, умумтаълим мактаблари, вилоятнинг чекка маҳаллаларига бориб, хотин-қизлар билан учрашишяпти. Давра суҳбатлари ўтказиб, улар билан очиқ мулоқотлар ташкил этмоқда.

**Жорий йилда ривожланган давлатлар тажрибасини қўллаган ҳолда, автопатруль нарядлари кира олмайдиган ҳудудларда хизмат олиб борувчи 5 та йўналиш бўйича 10 та велопатруль наряди ташкил этилди.**

Айни пайтда Наманган шаҳар ИИОФМБда «Хавфсиз шаҳар» концепцияси доирасида шаҳар бўйича хизматга жалб этилган куч ва воситаларни марказлашган ҳолда бошқариш имкониятини берувчи «Вазиятлар маркази» ташкил этилган бўлиб, шаҳарнинг ягона геоинформацион харитаси яратилган. Ушбу тизимга 178 та объектдаги 6700 та рақамли видеокузатув мосламаси интеграция қилинган. Шунингдек, 10 та чорраҳадаги 88 та видеокузатув ва қайд этиш камераси ҳамда объектлардаги 395 та замонавий рақамли видеокузатув камераси ҳам тизимга тўғридан тўғри уланган.

Наманган шаҳридаги «Сардоба» буюм бозори, Қурилиш материаллари бозори, Автобозор ҳамда «Орзу» маҳалла фуқаролар йиғинида жойлашган 84-сонли умумтаълим мактабига инсон юзини аниқловчи видеокузатув камералари ўрнатилди. «Чорсу» деҳқон бозори ва «Дўстлик» буюм бозорига эса тезкор чақирув тугмалари (SOS) ўрнатилиб, «Вазиятлар маркази»га уланди.

«Қамчиқ» довонидаги «Наманган» мунтазам ЙПХ маскани ва Наманган шаҳар ИИОФМБ маъмурий биносида боди камералар учун сервер хоналари тайёрланди. 184 дона боди камера ЙҲХБ ходимларига тарқатилиб, ишга туширилди.

**Шунингдек, жиноятчиликка қарши курашишда ҳокимлик, прокуратура, Миллий гвардия ва жамоатчилик тузилмалари билан ҳамкорлик кучайтирилди. Иш вақтини ҳар куни кунлик жиноятчилик муҳокамасидан бошлаш йўлга қўйилди.**

Тошкент шаҳрида яхши самара берган тажриба асосида вилоят марказида ички ишлар, прокуратура ва суд органлари, Миллий гвардия ва жамоатчилик тузилмалари вакилларидан иборат уч сменадан иборат 24 соатлик хизмат ташкил этилди. Вилоятдаги маҳаллаларнинг барчасида «Жамоатчилик назорати» масканлари доимий фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг 385 тасига видеокузатув мосламалари ўрнатилган.

Вилоят ҳудудида хавфсизликни таъминлаш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш борасидаги тезкор-профилактик тадбирлар изчил давом эттирилмоқда.

**Тимур МУСТАФОЕВ,**
**вилоят ИИБ бошлиғи ўринбосари,**
**подполковник.**



## Вилоят ҳақида қисқача маълумот

▶ Мамлакатимизнинг кўп асрлик тарихи ва мустақиллик давридаги тараққиётида Наманган вилояти ўзининг бой ўтмиши, маданияти билан муҳим ўрин эгаллаб келган.

▶ Наманган Фарғона водийсидаги қадимги шаҳарлардан. Шаҳар кўчманчи чорвадорлар ва деҳқончилик билан шуғулланувчи ўтроқ аҳоли яшайдиган жойда вужудга келган.

▶ Наманган қишлоғи ҳақидаги дастлабки маълумот XIV асрлар охирига тегишли. Бобур ўзининг «Бобурнома» асарида Наманганни қишлоқ сифатида эслатиб ўтган.

▶ Шаҳар туз кони яқинида барпо бўлганлиги учун номи «намак», «кон» сўзларидан олинган деб тахмин қилинади.

▶ Наманган шаҳрида оташнафас шоир ва мутафаккир Бобораҳим Машраб (1657–1711), Тўрақўрғонда шоир, тилшунос, маърифатпарвар Исҳоқхон Жунайдулло ўғли Ибрат (1862–1937), Чустда шоир Муҳамммадшариф Эгамберди ўғли Сўфизода (1869–1937) ва бошқалар яшаб ижод қилганлар.

▶ Вилоят 1967 йил 18 декабрда қайта ташкил этилган (аввал 1941 йил 6 мартдан 1960 йил 23 январгача мавжуд бўлган). Республиканинг шарқий, Фарғона водийсининг шимолий қисмида жойлашган.

▶ Наманган вилоятида ўзбеклардан ташқари тожик, қирғиз, қорақалпоқ, қозоқ каби турли миллат вакиллари истиқомат қилишади.

▶ Вилоятнинг қадимий ўтроқ аҳолиси азалдан деҳқончилик, ҳунармандчилик, чорвачилик ва савдо-сотиқ билан шуғулланиб келганлар.

▶ Шифобахш масканлари: «Косонсой», «Чортоқ» санаторийлари.

▶ Муқаддас зиёратгоҳлари: Янгиқўрғон тумани Оқтом қишлоғидаги «Ахтам Саҳоба» зиёратгоҳи, Уйчи тумани Файзиобод қишлоғидаги «Девонабува» мақбараси, Биби Наима (сутли булоқ) зиёратгоҳи ва масжиди, «Зиркмозор» зиёратгоҳи.

**Сирожиддин САЙЙИД,**
**Ўзбекистон халқ шоири.**

*Бир йигитга оламда ҳам ёру ҳам ор керак,*
*Номуси баланд эрга на сўз, на гуфтор керак,*
*Фарзандлари улғайса шерюрак, арслонюрак,*
*Элнинг ҳар они, давру давронлари Ватандир.*

*Оллоҳ ўзи буғдойинг — тиллоларга еткизгай,*
*Қабоғингнинг остидан балоларни кеткизгай.*
*Оқсарою Кўксарой дунёларга еткизгай,*
*Ор-номусдан яралган қўрғонлари Ватандир.*





# НАМАНГАН ВИЛОЯТИ

## СИФАТЛИ ЭКСПЕРТИЗА – ЖИНОЯТ ОЧИЛИШИНИНГ ГАРОВИ

**Жиноятни тезкорликда фош этишда эксперт-криминалистика хизматининг алоҳида ўрни бор. Экспертларнинг билим ва маҳорати туфайли кўплаб жиноятлар тез фурсатларда очилиб, жиноятчилар қилмишига яраша жазога тортилаётгани бунинг тасдиғидир.**





Таъкидлаш жоизки, вилоят ИИБ Эксперт-криминалистика бўлимида ҳозирги пайтда дактилоскопик, трасологик, хатшунослик, гиёҳвандлик воситалари, махсус кимёвий моддалар, автотехника, ЙТҲ механизми ва транспорт воситаларининг техник ҳолати, совуқ қуроллар ва ҳужжатларнинг техник экспертизалари ўтказилмоқда. Экспертизаларни сифатли ва тезкор амалга ошириш учун барча зарур шарт-шароитлар яратилган. Бўлимимизда баллистик лаборатория учун алоҳида хона ажратилиб, керакли жиҳозлар билан таъминланди. Айни пайтда мазкур лабораториядан хизмат давомида самарали фойдаланиб келинмоқда.

Жорий йилнинг 7 ойи мобайнида ходимларимиз вилоят ҳудудида содир этилган 765 та жиноят бўйича ҳодиса жойларини кўздан кечиришди. Бу жараёнда 737 та ашёвий далиллар олиниб, 1062 та экспертиза амалиёти бажарилди. Шунингдек, экспертлар трасологик излар бўйича 21 та жиноятни фош этишга кўмаклашди, 42 та субъектив портрет тайёрлади, 20843 та тезкор қидирув ва тергов ҳаракатларида иштирок этди.

Сир эмас, эксперт-криминалистика хизматида замонавий техник воситалардан самарали фойдаланиш фаолият натижадорлигини оширишда муҳим аҳамиятга эга. Буни яхши англаган вилоят ИИБ ЭКБ катта экспертлари – капитанлар Р.Дадабоев ва М.Дедабоев жорий йилнинг ўзида 10 дан ортиқ ҳолатларда купюраларнинг қалбаки эканлигини аниқлаб, уларнинг ноқонуний айланмасига чек қўйишди.

Ҳозирги кунда бўлимда жорий этилган «Сонда» автоматлаштирилган дактилоскопик таққослаш тизими базасида 815910 нафар шахснинг дактокарталари мавжуд. Уларнинг сони йилдан-йилга ортиб бормоқда. Хусусан, жорий йилнинг етти ойида давомида 16427 нафар шахснинг дактокарталари киритилди.

Айтиш жоизки, «Сонда» электрон тизими ёрдамида кўплаб жиноятлар фош этилмоқда. Жумладан, жорий йилнинг ўтган даврида уларнинг сони 36 тани ташкил этди. Шулардан 28 таси ўғрилик, 2 таси автомашина олиб қочиш жиноятлари, 6 таси бошқа ҳолатлардир.



Масалан, шу йилнинг 4 август куни-га ўтар кечаси Чуст шаҳридаги Ш.Фаёзов кўчасида жойлашган фуқаро Б.Азизовга тегишли телефон таъмирлаш устахонасидан 24 та турли хил русумдаги уяли алоқа аппарати ўғирлаб кетилди. Ҳолат юзасидан Чуст тумани ИИБ ЭКГ катта эксперти, майор Б.Мелибоев томонидан воқеа жойини кўздан кечириш давомида қўл-бармоқ излари олинди. Ушбу қўл-бармоқ излари дактилоскопик таққослаш тизими базаси орқали текшириб кўрилди. Натижада жиноятни Чуст шаҳрида яшовчи фуқаро С.О. содир этгани маълум бўлди.

Бу каби мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Ҳуқуқий демократик давлатда инсон ҳақ-ҳуқуқлари таъминланиши, ҳар қандай жиноий қилмиш ўз вақтида фош этилиб, унга ҳуқуқий баҳо берилиши лозим. Бўлим ва унинг қуйи бўғиндаги ходимлари жиноятга жазо муқаррарлигини таъминлаш йўлида бор билим ва маҳоратларини ишга солмоқдалар. Бу борадаги саъй-ҳаракатлар келгусида ҳам изчил давом эттирилади.

**Анварали ДАДАЖОНОВ,**
**вилоят ИИБ ЭКБ бошлиғи,**
**подполковник.**

**Норин тумани ИИБ Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлинмаси ходимлари томонидан паспорт тартиботини таъминлаш бўйича қатор ишлар амалга оширилмоқда. Президентимизнинг тегишли фармони ижросини тўлақонли таъминлаш мақсадида тарғибот тадбирлари ўтказилиб, аҳолини биометрик паспортлар билан таъминлаш ишлари меъёрий ҳужжатлар талаблари асосида олиб борилмоқда.**

## 33 НАФАР ШАХС ЎЗБЕКИСТОН ФУҚАРОСИ БЎЛДИ



Йил бошидан буён фуқароларнинг мурожаатига асосан 1076 та паспорт янги намунадаги биометрик паспортларга алмаштириб берилди. Фуқаролик паспортини йўқотиб қўйган 137 кишига янги намунадаги биометрик паспортлар расмийлаштирилди.

Туман ҳудудида ташкил этилаётган тадбирлар давомида фуқароларнинг паспорт-виза тартиб-қоидаларига риоя қилиши юзасидан текширувлар ўтказиляпти. Жорий йилда ўтказилган ана шундай текширувларда 266 нафар фуқаро томонидан мавжуд қоидалар бузилгани аниқланди. Уларга нисбатан маъмурий чоралар кўрилди.

Туманимизда яшовчи чет эл фуқаролари ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахслар яшаш манзиллари бўйича текшириб борилди. Жумладан, 144 нафар фуқаролиги бўлмаган шахс ҳамда 41 нафар хорижий давлат фуқаросининг яшаш манзилларида профилактика инспекторлари билан ҳамкорликда текширувлар ўтказилди.

Бўлинмамизга ватанга қайтиш гувоҳномаси асосида 31 киши мурожаат қилди. Уларнинг мурожаатлари тегишли тартибда ўрганиб чиқилиб, 26 нафарига янги намунадаги фуқаролик паспорти расмийлаштирилди. Шу даврда хорижий давлатларга чиқиш мақсадида мурожаат қилган 1335 нафар фуқарога ҳам хорижга чиқиш паспортлари расмийлаштириб берилди. Шу кунга қадар Президентимиз қарорига асосан, туманда яшовчи фуқаролиги бўлмаган 33 нафар шахс Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига қабул қилинди.

**Шерозбек СОБИРОВ,**
**капитан.**

## ХИЗМАТ САМАРАДОРЛИГИ КАФОЛАТИ

**Кўпгина жиноятлар малакали кинолог ходимлар ва махсус тайёргарликдан ўтган хизмат итлари ёрдамида очилгани бор ҳақиқат. Шунинг учун бу хизмат самарадорлигини оширишга катта эътибор қаратилмоқда.**

Жумладан, вилоят ИИБ ППХ ва ЖТСБ Кинология хизматида ҳам бугунги кун талабидан келиб чиққан ҳолда ходимларнинг хизмат олиб бориши учун зарур шарт-шароит яратилмоқда. Жорий йилнинг июнь ойида хизмат итлари питомнигидаги вольерлар қайтадан қуриб фойдаланишга топширилди. Шунингдек, хизмат итларини ювинтириш, улар учун овқат тайёрлаш хоналари янгитдан қурилди. Хизмат итларининг машқ майдончаси қайтадан жиҳозланиб, турли машғулотлар олиб бориш учун шароитлар яратилди. Питомник маъмурий биноси тўлиқ таъмирланди.



Яратилган шароитлардан фойдаланган ҳолда кинологлар ўзларига бириктирилган хизмат итлари билан кунлик ўқув машғулотлари ўтказиб, умумий ва махсус йўналишлар бўйича кўникмаларини мустаҳкамлмоқда. Шунингдек, вилоят ҳудудида содир этилган жиноятларни фош этишда хизмат итлари имкониятларидан самарали фойдаланиляпти. Жорий йилнинг 7 ойи давомида мутахассислар хизмат итлари билан 300 маротаба воқеа жойига чиқиб, 87 та жиноятни фош этишда жонбозлик кўрсатишди. Уларнинг 69 таси ўғрилик, 17 таси гиёҳвандлик билан боғлиқ бўлса, қолгани бошқа турдаги жиноятлардир. Жиноятчилардан 227,25 грамм ҳар хил турдаги гиёҳвандлик моддалари олинди.

Мисол учун, шу йилнинг 4 март куни Янгиқўрғон тумани «Намуна» маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи А. Ф. ички ишлар органига мурожаат этиб, кечаси номаълум шахс ҳовлисига девор ошиб кириб, молхонасидаги тахминан 8 миллион сўм турадиган молини ўғирлаб кетганлигини маълум қилган.

Мазкур мурожаат асосида тергов-тезкор гуруҳи таркибида хизмат олиб борган кинолог, сафдор Ж. Тошболтаев ўзига бириктирилган «Рекс» лақабли хизмат ити ёрдамида жиноят содир этишда гумонланувчи шахсни қўлга олишга муваффақ бўлди.

**Бахтиёр ОЛИМЖОНОВ,**
**сержант.**

Қўшсаҳифа материалларини Наманган вилояти бўйича ўз мухбиримиз Азиза ЖОНИЕВА тайёрлади.

УРОК ДУХОВНОСТИ И ПРОСВЕЩЕНИЯ

*Наш народ – созидатель и творец всех наших успехов.*
**Шавкат МИРЗИЁЕВ.**

# СЕМЕЙНОЕ ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВО – ГАРАНТ БЛАГОСОСТОЯНИЯ

**В процессе проводимых под руководством Президента Республики Узбекистан широкомасштабных реформ особое внимание уделяется развитию предпринимательства, формированию источников стабильного дохода семей, повышению их благосостояния.**





В нашей стране семейное предпринимательство имеет многовековую историю. Наши предки были замечательными ремесленниками. Они передавали из поколения в поколение традиции, секреты профессионального мастерства и наработанный опыт.

После обретения независимости в Узбекистане появились первые современные семейные предприятия.

В процессе рыночного реформирования экономики и формирования гражданского общества в нашей стране был принят ряд актов, обеспечивающих дальнейшее расширение масштабов семейного бизнеса и частного предпринимательства. Важным шагом стало принятие постановления Кабинета Министров «О мерах по развитию и расширению семейного предпринимательства и ремесленнической деятельности» от 29 июля 2009 года, которым были определены правовой статус и порядок осуществления семейного предпринимательства и традиционного ремесленничества, а также направления их развития.

Вышедший в апреле 2012 года Закон Республики Узбекистан «О семейном предпринимательстве» еще больше укрепил правовые гарантии данного вида бизнеса. Согласно закону, семейным предпринимательством является деятельность, основанная на инициативе и добровольности ее участников и осуществляемая членами семьи в целях получения дохода под свои ответственность и риск.

Семейное предпринимательство охватывает более 200 видов деятельности. Это мелкооптовая и розничная торговля, бытовое обслуживание, мелкий ресторанный бизнес, транспортное обслуживание населения, фермерство, прокат культурно-бытового и хозяйственного инвентаря, мелкий ремонт и строительство жилья, дач, гаражей, хозяйственных и культурно-бытовых построек, бухгалтерские работы и аудит, народные промыслы. В рамках домашнего хозяйства возможна организация интеллектуального труда для специалистов, научных работников и молодежи, владеющей компьютерной техникой. В состав семейного предприятия могут входить члены семьи, близкие родственники.

Толчком к дальнейшему развитию этой формы занятости населения послужило издание Указа Президента Республики Узбекистан «О мерах по дальнейшему развитию ремесленничества и всесторонней поддержке ремесленников» от 17 ноября 2017 года, а также постановлений главы государства «О реализации программы «Каждая семья – предприниматель» от 7 июня 2018 года и «О дополнительных мерах по широкому привлечению населения к предпринимательству и развитию семейного предпринимательства в регионах» от 7 марта 2019 года.




Программа «Каждая семья – предприниматель» предусматривает оказание всемерной поддержки инициативным гражданам, желающим заниматься бизнесом, выделение им льготных кредитов, предоставление практической помощи на каждом этапе организации и осуществления данного вида деятельности.

Запланировано создание мини-кластеров. Они предусматривают то, что за предпринимателями, которые уже наработали бизнес-навыки, будут закрепляться семьи, которые только начали заниматься новой для них деятельностью, с целью оказания им всемерной помощи. Все это будет проводиться с учетом выбранной начинающими предпринимателями специализации.

Предусмотрено расширение объемов услуг, предоставляемых субъектам семейного предпринимательства, создание объектов рыночной инфраструктуры, пунктов обслуживания и сервиса для организации торговли готовой продукцией.

Программа предусматривает выдачу населению льготных кредитов, по ставке 8 процентов годовых, сроком не более 3 лет, с 3–6-месячным льготным периодом для организации семейного бизнеса в любом направлении: ремесленничество, швейное производство, выращивание сельскохозяйственной продукции, организация компактных теплиц, изготовление хлебобулочных изделий, надомный труд, деревообработка, другие виды деятельности, не запрещенные действующим законодательством.

Кредиты могут быть выделены сроком до 5 лет, с льготным периодом до 2 лет, в зависимости от условий занятости и в соответствии с бизнес-планом.

В республике ведется открытый диалог с населением, малообеспеченными, неработающими гражданами, а также субъектами предпринимательства, по вопросам реализации программы «Каждая семья – предприниматель».

Рабочие группы в составе представителей силовых структур, сотрудников органов внутренних дел, Национальной гвардии, представителей банков, органов местного самоуправления граждан и общественных организаций проводят рейды, беседуют с населением, выявляют проблемы развития семейного бизнеса, оказывают помощь в их решении.

19 мая 2020 года состоялось видеоселекторное совещание под председательством Президента Узбекистана Ш. Мирзиёева, посвященное дополнительным мерам поддержки семейного предпринимательства. По его результатам, в целях смягчения последствий пандемии коронавируса, был продлен срок погашения кредитов, выделенных на программу «Каждая семья – предприниматель».

Правоохранительные структуры, в том числе и органы внутренних дел, уделяют большое внимание развитию семейного предпринимательства. Особенно тесно сотрудничают в данном направлении с субъектами предпринимательства представители третьего сектора по социально-экономическому развитию городов и районов страны. Руководители и члены штабов третьего сектора проводят системную работу по поддержке начинающих бизнесменов, помогают в получении кредитов на развитие семейного бизнеса тем, кто хочет организовать собственное дело, трудоустроить своих близких. Это обеспечивает занятость населения, способствует укреплению благосостояния семей, что немаловажно в нынешних непростых условиях пандемии.

В результате масштабных комплексных мер, принимаемых в нашей стране в целях развития предпринимательской деятельности, создания благоприятных условий, деловой среды, поощрения частной инициативы, семейное предпринимательство становится экономической опорой государства и общества.

Все это способствует повышению благосостояния семьи, дальнейшему процветанию нашего государства.

**Ирина ДОЛГОВА,**
**кандидат экономических наук,**
**доцент ВТИ**
**Национальной гвардии**
**Республики Узбекистан.**

ПРАВИЛА ОБЯЗАТЕЛЬНЫ ДЛЯ ВСЕХ

# БЕРЕГИСЬ ВЕЛОСИПЕДА

**Казалось бы, ответ на вопрос: что такое велосипед? – знает даже маленький ребенок. Формулировка понятия «велосипед», взятая из Правил дорожного движения, гласит, что велосипед – транспортное средство, которое имеет, по крайней мере, два колеса и приводится в движение при помощи педалей или рукояток, а также может иметь электродвигатель мощностью, не превышающей 0,25 кВт, автоматически отключающийся на скорости более 25 км/ч.**



Значит, велосипед – в первую очередь транспортное средство, и все пункты Правил дорожного движения, относящиеся к транспортным средствам, относятся и к велосипедам.

Вероятно, об этом не знают велосипедисты, не соблюдающие никаких правил. Они движутся по середине дороги, правой и левой сторонам проезжей части, тротуарам, поворачивают, где хотят и создают аварийную ситуацию. Складывается впечатление, что эти участники дорожного движения вообще не знакомы с ПДД.

В Правилах дорожного движения Республики Узбекистан сказано, «управлять велосипедом при движении по дорогам разрешается лицам не моложе 14 лет, а мопедом – не моложе 16 лет.

Допускается движение велосипедов, мопедов (скутеров) только по крайней правой полосе дороги, по возможности, правее, в один ряд. Если не создаются помехи пешеходам, разрешается движение по обочине.

Велосипед должен быть оборудован звуковым сигнальным устройством и иметь исправные тормоза. Для движения в темное время суток и в условиях недостаточной видимости велосипед должен быть оборудован спереди световозвращателем и фонарем или фарой белого цвета, сзади – световозвращателем и фонарем красного цвета, а с каждой боковой стороны – световозвращателем оранжевого или красного цветов.

Водителям велосипеда и мопеда (скутера) запрещается:

– ездить, не держась за руль или держась за руль одной рукой (за исключением случая, когда подается предупредительный сигнал перед маневром);

– перевозить пассажиров (за исключением перевозки пассажиров в возрасте до 7 лет на дополнительном сиденье, оборудованном надежными подножками);

– перевозить груз, который выступает более чем на 0,5 м по длине или ширине за габариты, или груз, мешающий управлению;

– двигаться по проезжей части дороги при наличии велосипедной дорожки;

– поворачивать налево или разворачиваться на дорогах с трамвайным движением и на дорогах, имеющих более одной полосы для движения в данном направлении;

– двигаться по дороге без застегнутого мотошлема (для водителей мопедов и скутеров).

Вне перекрестков, на нерегулируемом пересечении велосипедной дорожки с дорогой, велосипедисты и водители мопеда должны уступать дорогу транспортным средствам, движущимся по этой дороге».



Отметим, что при движении по тротуарам, пешеходным дорожкам, обочинам и пешеходным зонам велосипедист не должен создавать помехи движению иных лиц. В случае необходимости, обладатель двухколесного транспортного средства должен слезть с него и продолжить движение в качестве пешехода.

Самые распространенные нарушения правил – это движение навстречу автомобилям и по пешеходному переходу. В данных ситуациях велосипедисты попросту не знают, что являются водителями, и ведут себя как пешеходы.

Оба маневра чрезвычайно опасны. Особенно сильно это чувствуется, когда велосипедист пересекает дорогу по пешеходному переходу. Часто в подобных ситуациях страдают дети, причем, водители автомобилей виноватыми не являются (они должны пропускать исключительно пешеходов, к которым велосипедисты не относятся).

Учитывая тот факт, что велосипед может развивать скорость до 30–40 км/ч, его обладатели появляются на проезжей части стремительно и неожиданно. Поэтому, управляя автомобилем, необходимо внимательно следить за передвижением велосипедистов по дороге и прилегающим к ней территориям.

Хочется обратиться ко всем участникам дорожного движения: будьте взаимно вежливы, строго соблюдайте Правила дорожного движения. Это убережет вас от беды.

**Борис КЛЕЙМАН,**
**корреспондент «На посту».**

«ЧЕРНЫЙ МАК–2020»

# Выращивают виноград и... наркотики



В ходе проведения оперативных мероприятий «Черный мак–2020» в доме Норкула Ж., жителя МСГ «Кутарма» Ургутского района Самаркандской области, были обнаружены 12 кустов наркотикосодержащего растения каннабис высотой более четырех метров. А во время осмотра чердака его дома изъято в качестве вещественного доказательства шесть килограммов марихуаны и сто граммов семян каннабиса.

Решила не отставать от земляка и 58-летняя жительница МСГ «Мирзобоглон-Чеп» Замира О. Во время рейда в ее доме стражи порядка обнаружили 19 саженцев данного наркотикосодержащего растения. В отличие от предыдущего нарушителя, она оказалась более изобретательной – замаскировала «лекарственное» растение между рядами виноградника.

16 кустов каннабиса было обнаружено и на приусадебном участке 42-летнего Тургуна Р., жителя МСГ «Бешёгоч»

Была также раскрыта незаконная торговля наркотическими средствами на территории МСГ «Чумчукли» того же района. Во время продажи 41 грамма опиума за 9 миллионов сумов жителю МСГ «Мирзобоглон-Чеп» 34-летнему Дамиру О. с поличным был задержан житель села Ислом О.

По всем вышеназванным фактам следственным отделом при Ургутском РОВД были возбуждены уголовные дела, ведутся следственные действия.

**Информационная служба**
**УВД Самаркандской области.**

МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ ДАРСИ

# ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИК – ФАРОВОНЛИК ГАРОВИ

**Юртимизда олиб борилаётган кенг қамровли ислоҳотлар жараёнида оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ва рағбатлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Республикамиз ялпи ички маҳсулотида оилавий тадбиркорлик улушининг йилдан-йилга ортиб бораётгани ҳам шундай саъй-ҳаракатлар самарасидир.**

Мамлакатимизда оилавий тадбиркорликнинг ҳуқуқий асоси 2012 йил 26 апрелда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги қонуни ҳисобланади. Мазкур Қонуннинг 1-моддасига мувофиқ, оилавий тадбиркорлик оила аъзолари томонидан таваккал қилиб ва ўз мулкий жавобгарлиги остида даромад (фойда) олиш мақсадида амалга ошириладиган ташаббускорлик фаолияти бўлиб, ўз иштирокчиларининг ихтиёрийлигига асосланади. Оилавий тадбиркорлик юридик шахс ташкил этган ёки ташкил этмаган ҳолда амалга оширилиши мумкин. Юридик шахс ташкил этган ҳолда амалга ошириладиган оилавий тадбиркорликнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли оилавий корхонадир. Юридик шахс ташкил этмаган ҳолда оилавий тадбиркорлик қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади. Бунда юридик шахс ташкил этмаган ҳолдаги оилавий тадбиркорлик субъектлари уч нафаргача доимий ишчини ёллаб, улар билан меҳнат шартномаси тузишга, шунингдек, меҳнатга лаёқатли ёшга тўлган бошқа яқин қариндошларини, шу жумладан, болалари ва невараларининг эрини (хотинини), ака-укалари ва опа-сингилларини, уларнинг хотинини (эрини) ва болаларини юридик шахс ташкил этмаган ҳолдаги оилавий тадбиркорлик субъектининг иштирокчиси сифатида жалб этишга ҳақли.

Оилавий тадбиркорлик бозор иқтисодиётига асосланган давлатларнинг иқтисодий ривожланиш тажрибасида алоҳида ўринга эга. Дунёдаги тараққий этган давлатлар тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, қайси давлатда оилавий тадбиркорлик яхши ривожланса, шу давлат иқтисодиёти ҳам юксалиб бораверади. Масалан, Хитойда оилавий тадбиркорлик шу даражада ривожланганки, кўпчилик оилаларда қандайдир маҳсулот ишлаб чиқарилади ёки хизмат тури мавжуд.

Оилавий тадбиркорлик давлат томонидан қўллаб-қувватланиши зарур ва шундагина ривожланади. Пировардида аҳоли иш билан таъминланади, мамлакат иқтисодиёти ривожланади, давлат бюджетига тушадиган солиқлар ортади, энг асосийси, фуқароларнинг даромади ошади. Ўзбекистонда ҳам ишсизлик даражасининг салмоқли ечими сифатида ҳукумат томонидан оилавий тадбиркорликни ривожлантириш масалаларига катта эътибор берилмоқда.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича давлат дастаги айнан 2017 йилдан бошлаб янада жонланди.







Хусусан, Ҳаракатлар стратегиясида хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва унинг устувор мавқеини янада кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини рағбатлантириш билан бир қаторда, оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва уни ривожлантириш бўйича қатор давлат дастурлари ишлаб чиқилгани ва амалга оширилгани алоҳида эътиборга сазовордир.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг бир нечта қарорлари оилавий тадбиркорликни ривожлантиришда ҳуқуқий ва иқтисодий кўмак бўлганини ҳам таъкидлаш лозим.

Давлатимиз раҳбарининг «Ҳар бир оила – тадбиркор» дастурини амалга ошириш тўғрисида»ги қарори ҳам оилавий тадбиркорлик, ҳунармандчилик, касаначилик ва бошқа тадбиркорлик фаолияти турларини кенг оммалаштириш, ҳар бир оиланинг барқарор даромад манбаига эга бўлиши учун шарт-шароитлар яратиш ва ишсизликка барҳам беришни мақсад қилган эди. Дастурда олис, табиий-иқлим шароити оғир ҳудудларда аҳолининг моддий шароитини тубдан яхшилаш, турмуш тарзи сифати ва даражасини оширишга хизмат қилиши ҳамда тадбиркорлик билан шуғулланиш истагида бўлган аҳоли ташаббусини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларга имтиёзли кредитлар ажратиш ҳамда ишбилармонлик фаолиятини ташкил этиш ва амалга оширишда амалий ёрдам кўрсатилиши назарда тутилди.

Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасидаги лойиҳаларни молиялаштириш учун 2020 йил 15 июнь ҳолатига кўра, қарийб 2,4 трлн. сўм миқдорида ресурс маблағлари шакллантирилди. Ушбу маблағлар аввал ажратилган кредитларнинг сўндирилиши ҳисобидан (1,5 трлн. сўм) ҳамда жорий йилда ажратилган жамғарма ва фондлар маблағлари ҳисобидан (0,9 трлн. сўм) шакллантирилди. Инқирозга қарши чора-тадбирлар доирасида Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари асосида ажратилган кредитларнинг 1,1 трлн. сўмлик тўловлари муддати узайтирилди. Мазкур ресурслар ҳисобидан 2020 йилнинг ўтган даври мобайнида 51 200 та лойиҳага жами 1,7 трлн. сўм, жумладан, «Ҳар бир оила – тадбиркор» дастури доирасида 40 500 та лойиҳага 1,2 трлн. сўм миқдорида имтиёзли кредит маблағлари ажратилди. Бугунги кунда тижорат банкларида жами 617 млрд. сўм, шу жумладан, «Ҳар бир оила – тадбиркор» дастури бўйича 266 млрд. сўм миқдорида ресурс маблағлари мавжуд. Ушбу маблағлар лойиҳаларни молиялаштириш учун тижорат банкларининг ҳудудий филиалларига йўналтирилган. Шунингдек, ҳудудларда мавжуд маблағларнинг ўзлаштирилиш даражасидан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ҳисобидан яна 500 млрд. сўм йўналтирилиши кўзда тутилган.

Ҳозирда ўзини ўзи банд қилаётган, қўлида касб-ҳунари бор одамларга муносиб шароит яратиш мақсадида янги тизим жорий этилиши, яъни сартарош, этикдўз, новвой, темирчи, дурадгор, тикувчи, таржимон, дизайнер, компьютер дастурчиси каби 60 дан зиёд касб эгалари даромад солиғидан озод қилиниши кўзда тутилмоқда. Илғор хорижий тажриба асосида бундай фуқароларни рўйхатга олиш ва ҳисобини юритиш бўйича мобиль илова ишлаб чиқилиши ҳамда мазкур имтиёздан фойдаланиш учун телефон орқали солиқ идораларини хабардор қилиш тизимини яратиш ва такомиллаштириш устида ишлар олиб борилмоқда.

Хорижий тажриба таҳлилининг кўрсатишича, иқтисодиётни ислоҳ қилиш ва аҳоли даромадларининг юқори даражасини таъминлашда оилавий тадбиркорликнинг аҳамияти ва роли муҳим ўринга эга. Ҳозирги вақтда дунё мамлакатларида кичик бизнеснинг аксарият қисми оилавий корхона шаклида иш юритмоқда. Европа давлатлари ялпи миллий маҳсулотининг 40–50 фоизини, Осиё мамлакатларида 65 фоиздан 82 фоизгачасини, Лотин Америкасида 70 фоизга яқинини оилавий бизнес ишлаб чиқаради. АҚШ иқтисодиётида унинг улуши 95 фоиздан зиёд миқдорни ташкил этади. Иқтисоди ривожланган кўплаб мамлакатларда оилавий тадбиркорлик соҳасидаги тадқиқотларни олиб борувчи, унинг манфаатларини ҳимояловчи ва оилавий корхоналарнинг фаолият кўрсатиши борасида тажриба алмашиш учун мунозара майдонларини ташкил этувчи махсус бирлашмалар мавжуд. Бундай ёндашув аҳолини тадбиркорлик фаолиятига фаол жалб қилишни кенгайтириш, оилавий анъаналарни, оилавий тадбиркорлар сулоласини шакллантириш ва ривожлантириш имконини беради.

Президентимизнинг 2020 йил 18 майда қабул қилинган «Коронавирус пандемияси даврида аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонига мувофиқ, 500 мингдан ортиқ тадбиркорлик субъектлари ва 100 мингга яқин аҳолига қўшимча 1,7 триллион сўмлик кўмак берилиши назарда тутилган. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, «пандемия туфайли камбағал аҳоли ва ишсизлар сонининг ошиши, оилалар даромадининг камайиши тайин. Шу сабабли қисқа фурсатда янги иш ўринлари яратиш учун кичик бизнес ва оилавий тадбиркорликни фаол қўллаб-қувватлаш зарур». Албатта, оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда, аҳолини иш билан банд қилишда, фуқароларимизнинг даромадини оширишда ва фаровонлигини таъминлашда ўзининг ижобий самарасини беради.

**Нуриддин ҚЎЛДАШЕВ,**
**ИИВ Академияси фуқаролик ҳуқуқи фанлари кафедраси бошлиғи, юридик фанлар номзоди, доцент, подполковник.**

УЧИНЧИ СЕКТОРДА

# ОДАМЛАР ИЧИДА, ТАШВИШИДА

**Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг самарали натижалари секторлар кесимидаги жараёнларда яққол намоён бўлмоқда. Буни Хорзам вилоятининг Ҳазорасп туманидаги 3-сектор ҳудудида олиб борилаётган ишлар мисолида ҳам кўриш мумкин.**



Пандемия ва глобал иқтисодий инқироз шароитида аҳоли бандлиги ва фаровонлигини таъминлаш, сектор ҳудудида камбағалликни қисқартириш масаласи кун тартибидаги муҳим вазифалардан бирига айланди. Тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда ўтказилган ўрганишлар натижасида тумандаги 3-сектор ҳудудида 366 та муҳтож оила мавжудлиги аниқланиб, ушбу оилаларга давлатимиз раҳбарининг кўрсатмаси асосида «Саховат ва кўмак» умумхалқ ҳаракати доирасида 746 миллион 145 минг сўмлик ёрдам кўрсатилди. Шунингдек, ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган 168 та оилага бир маротабалик моддий ёрдам пули тарқатилди.

Умуман олганда, жорий йилнинг ўтган даврида уйма-уй юрган ҳолда ўрганишлар олиб борилиб, табиий газ, электр энергияси, ичимлик суви, йўл, кўприк, соғлиқни сақлаш, мактабгача таълим, банк кредити масалалари бўйича 162 та муаммо мавжудлиги аниқланди. Ушбу муаммолар «Йўл харитаси»нинг чора-тадбирлар режасига киритилиб, тегишли ташкилот ва муассасалар вакиллари иштирокида муҳокама қилинди ҳамда барчаси ижобий ҳал этилди.

Сектор ҳудудида замонавий савдо шохобчаларини ташкил этиш, хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш, тадбиркорлик субъектларига амалий ёрдам кўрсатиш ҳамда янги иш ўринлари яратиш бўйича қатор ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Мева-сабзавотчилик, чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик, асаларичилик ва бошқа фаолият турларини ривожлантириш, шунингдек, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалардаги, ногиронлиги бўлган ва боқувчисини йўқотган фуқароларнинг муаммоларига ечим топиш, вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида профилактик тадбирлар самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, ёшлар ташкилоти ҳамда таълим муассасалари билан ҳамжиҳатликдаги ишлар самарали натижалар бермоқда.



– Сектор ҳудудидаги 319 та корхонанинг 202 таси пандемия вақтида фаолиятини вақтинчалик тўхтатган эди, – дейди туман ИИБ ташкилий бўлинмаси бошлиғи, 3-сектор штаби котиби, катта лейтенант Ғайрат Қутлимуратов. – Ҳозирга қадар 2 минг 268 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қиладиган 190 та корхонанинг фаолияти қайта тикланди. Айни кунда қолган 12 та корхона раҳбарлари билан учрашувлар ўтказилиб, амалий ёрдам бериш чоралари кўрилмоқда.

Ҳудудда янги инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш ҳамда иш ўринларини кўпайтириш учун фойдаланилмасдан турган 125 та бино ва иншоотнинг 33 таси тадбиркорларга берилди.

Пичоқчи маҳалласида истиқомат қилувчи бир гуруҳ фуқароларнинг сектор раҳбарига қилган мурожаатидан сўнг Обод кўчасининг 470 метрлик таъмирталаб қисмига асфальт қопламаси ётқизилди. Қолаверса, маҳалла ҳудудида тадбиркорлик билан шуғулланиш истагида бўлган Муяссар Раҳимова, Роҳила Хўжамуратова, Камол Машарипов, Қаҳрамон Қодиров, Фарҳод Раҳимовларнинг мурожаатлари сектор раҳбари томонидан ўрганиб чиқилди ва туман ҳокимлиги билан келишилган ҳолда уларга ер майдонлари ажратилиб берилди. Айни кунда улар ўз фаолиятини бошлаб юборган.




Ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга моддий ёрдам бериш, уларни ижтимоий фойдали меҳнатга жалб қилиш ишлари бевосита сектор раҳбари бошчилигида самарали давом этмоқда. Чунончи, 6 та оилага иссиқхона қуриб берилди. Шунингдек, 192 нафар йигит-қиз ижтимоий фойдали меҳнатга жалб қилиниб, уларнинг 51 нафарига деҳқончилик билан шуғулланишлари учун ер майдонлари ажратилди.

– Ҳудуддаги ўнта маҳаллада 44 минг 300 нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилади, – дейди 3-сектор раҳбари, туман ИИБ бошлиғи, подполковник Хушнуд Машарипов. – Ободонлаштириш, аҳолини электр энергияси, ичимлик суви ҳамда табиий газ билан таъминлаш, соғлиқни сақлаш ва таълим тизимидаги муаммоларга ечим топиш, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш каби кўплаб муҳим масалалар босқичма-босқич ҳал этилмоқда. Шунингдек, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш, оилавий шароитларини яхшилаш мақсадида қорамол, парранда сотиб олиш ҳамда иссиқхона қуриш учун мурожаат қилган фуқароларга имтиёзли банк кредитлари ажратилишида амалий ёрдам беряпмиз.

– Имтиёзли банк кредити олишда ёрдам сўраб 3-сектор раҳбарига мурожаат қилдим, – дейди Пичоқчи маҳалласида яшовчи Шавкат Мадаминов. – Эртасига «Халқ банки»нинг туман филиали томонидан кредит ажратилиши бўйича тавсиянома беришди. Орадан кўп ўтмай имтиёзли банк кредити асосида 2 та қорамол сотиб олдим. Келгусида уларнинг сонини кўпайтирмоқчиман.

Сектор ҳудудида жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш борасида ҳам тизимли ишлар ташкил қилинган. Низоли оилалар, жиноят содир қилишга мойил бўлган шахслар ва бошқа тоифадаги фуқароларга масъуллар бириктирилган, улар билан доимий профилактик суҳбатлар олиб борилмоқда. Бундай саъй-ҳаракатлар натижасида уларнинг муаммолари ижобий ҳал қилиниб, ижтимоий фойдали меҳнат жараёнларидаги иштироки таъминланмоқда. Шу билан бирга, жойларда ўтказилаётган профилактик тадбирларда жиноятлар сектор раҳбарлари иштирокида муҳокама қилиняпти. Амалга оширилаётган бундай саъй-ҳаракатлар натижасида сектор ҳудудида жиноятчилик сезиларли камайишига эришилмоқда.

Яқинда туман ИИБ ташаббуси билан Пичоқчи маҳалласи ҳудудида «Обод ва хавфсиз маҳалла» тамойили асосида Кўчма таянч пункти ишга туширилди. Ушбу кўчма таянч пунктида ички ишлар органлари ходимлари намунали хизмат олиб бориши учун барча зарур шароитлар яратилган. Қолаверса, видеокузатув камералари ёрдамида ҳудудни бевосита кузатиб бориш, воқеа жараёнларини таҳлил қилиш, аниқланган ҳуқуқбузарликлар бўйича тезкор чоралар кўриш имконияти мавжуд.

Ушбу янгиликни амалиётда қўллашнинг энг муҳим жиҳати шундан иборатки, зарурат туғилганда мазкур таянч пунктини бир жойдан иккинчисига кўчириб ўтказиш имкони бор. Демак, кўчма таянч пунктидан аҳоли гавжум жойларда, яъни бозорлар, сайилгоҳлар, оммавий тадбирлар ўтказиладиган ҳудудларда кенг фойдаланиш мумкин. Ушбу инновацион янгиликни бошқа маҳаллаларда ҳам жорий этиш режалаштирилмоқда.

**Худойберган ЖАББОРОВ,**
**«Postda» мухбири.**
*Хоразм вилояти.*
**Муаллиф олган суратлар.**





Postda
На посту

ХИЗМАТЛАРДА

# МУНОСИБ ШАРОИТ ИШЧАНЛИК ҚОБИЛИЯТИНИ ОШИРАДИ

**Сўнгги йилларда ички ишлар органларида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилиб, тизимнинг моддий-техник базаси мустаҳкамланмоқда, соҳага замонавий ахборот-коммуникация технологиялари кириб келди. Шунга мос равишда шахсий таркибга бўлган талаб ва эътибор ҳам тубдан ўзгармоқда. Соҳада амалга оширилаётган бу каби ижобий ишларни Фарғона вилояти ИИБ 10-сонли тергов ҳибсхонаси мисолида ҳам кўриш мумкин.**





Аввало шуни таъкидлаш зарурки, ҳибсхона ҳудудида сўнгги йилларда кенг кўламли қурилиш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Ички ишлар вазирлиги Жазони ижро этиш бош бошқармаси ва Фарғона вилояти ИИБ раҳбариятининг эътибори ҳамда амалий кўмаги билан таъмирталаб бинолар капитал реконструкция қилиниб, замонавий кўринишга келтирилди. Хизмат хоналарида шахсий таркиб учун қулай иш шароити яратилди. Барча зарур жиҳозлар ва бошқа алоқа ускуналари ўрнатилди. Бино ҳовлиси ободонлаштирилиб, анвойи гуллар, мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтказилди.

Бундан ташқари, адолат ва шаффофликни таъминлаш мақсадида тергов ҳаракатларини аудио ва видео ҳолатда қайд этиб борадиган ускуналар билан жиҳозланган, ўртасига газелла ойнаси қопланган 2 та махсус хона ҳам ташкил этилди. Бу хоналар терговни амалга оширишда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоялашга, уларнинг шаъни ва қадр-қимматини камситилишига, қонуний манфаатлари чекланишига йўл қўймасликка, қийноққа солиш, психологик ва жисмоний тазйиқ ва бошқа ноқонуний усулларни қўллашни бартараф этишга хизмат қилади.

Шунингдек, онлайн тарзда суд мажлисларида иштирок этишга мўлжалланган, видеоалоқа тизимига уланган махсус хоналар ҳам фойдаланишга топширилди.





Ходимларимизни ижтимоий ҳимоя қилиш, улар ўртасида хизмат интизоми ва қонунийликни мустаҳкамлаш ишларига ҳам катта эътибор берилмоқда. Хусусан, бўлим бошлиқлари ва масъул раҳбарлар қўл остида ишловчи ҳар бир ходимнинг хонадонида бўлиб, оилавий шароити, камчилик ва муаммоларини мунтазам ўрганиб бормоқда. Карантин даврида ўтказилган ўрганишлар натижасида 6 нафар ходимнинг оилавий шароити яхши эмаслиги, моддий кўмакка муҳтожлиги аниқланди. Вилоят ИИБ томонидан уларга ёрдам тариқасида пул маблағи берилди, зарур озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланди.

Шахсий таркиб ўртасида хизмат интизоми ва қонунийликни мустаҳкамлаш, уларни танлаган касбига садоқат руҳида тарбиялаш, коррупция ва бошқа салбий иллатларнинг олдини олиш мақсадида кўплаб профилактик-тарбиявий ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, вилоят ИИБ Фахрийлар кенгаши билан ҳамкорликда тизимда узоқ йиллар ишлаб нафақага чиққан, бой ҳаётий тажрибага эга фахрийлар муассасага таклиф қилиниб, ёш ходимлар билан учрашувлар ўтказиши яхши анъанага айланган.

Масалан, ҳибсхонада узоқ йиллар ишлаб нафақага чиққан, Фарғона шаҳрида яшовчи Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Гулмитдин Ҳусаинов, ҳибсхонага кўп йил раҳбарлик қилган Адҳамжон Эсонов каби фахрийларимиз ёш ходимларга ўгит ва маслаҳатлар беришдан ҳеч қачон эринишмайди.

Ҳибсхонада сақланаётган шахслар билан психологик ва тарбиявий ишлар ҳам белгиланган тартиб асосида ташкил этилмоқда. Масалан, тарбиявий ишлар гуруҳи томонидан жорий йилнинг ўтган даврида 123 та тадбир, жумладан, маъруза ва суҳбатлар, савол-жавоб кечалари, адабий ва маънавий тадбирлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари билан учрашувлар ўтказилди. Бундай тадбирларда фаол қатнашган ва ўзини ижобий томондан кўрсатган 14 нафар маҳкум рағбатлантирилди.

Муассасада алоҳида кутубхона ташкил этилган бўлиб, турли мавзудаги 2300 га яқин китоб фондига эга эди. Жорий йилнинг ўтган даврида бу ерга яна 421 дона янги бадиий адабиёт олиб келинди.

**Отабек САДИРОВ,**
**Фарғона вилояти ИИБ 10-сонли тергов ҳибсхонаси бошлиғи, подполковник.**

БИЛАСИЗМИ?

# ИЛК МУЗЕЙЛАР ҚАЕРЛАРДА ТАШКИЛ ТОПГАН?

**Инсоният тарихидаги моддий ва маънавий ёдгорликларни сақлаш ҳамда келгуси авлодларга етказиш учун музейлар барпо қилинади. Илк музейлар ибодатхоналарда ташкил этилиб, кейинчалик алоҳида кўринишга эга бўлган.**

Европадаги аксарият музейлар ва музейшунослик фанининг вужудга келиши XIV-XVII асрларга тўғри келади. 1546 йилда қурилган дунёдаги энг катта музейлардан ҳисобланмиш Париждаги Лувр дастлаб қирол саройи вазифасини бажарган. Ҳозирги пайтда унда қадимги Миср, Греция (Юнонистон) ва Римда яратилган ноёб санъат дурдоналарининг асл нусхалари сақланади.

Россиянинг Санкт-Петербург шаҳридаги Эрмитаж, Лондондаги Британия ва Италиядаги Уффици музейлари бугунги кунда дунёга донғи кетган машҳур музейлар саналади. Улардан халқларнинг тарихи, адабиёт ва санъат, техника, тиббиёт, ҳайвонот олами ва табиатга оид экспонатлар жой олган.



Мамлакатимизда ҳам кўплаб музейлар бўлиб, улар экспонатларга бойлиги жиҳатидан жаҳондаги машҳур музейлардан қолишмайди. Юртимиздаги биринчи музейлар сирасига 1876 йилда очилган Тошкент ўлкашунослик музейи ҳамда Самарқанд ва Фарғона халқ музейларини киритиш мумкин. Ҳозирги кунда республикамиз ҳудудида Ўзбекистон тарихи музейи, Темурийлар тарихи давлат музейи, Ўзбекистон санъат музейи, Ўзбекистон табиат музейи ва бошқа бир қатор музейлар фаолият юритмоқда.

**Михли САФАРОВ**
**тайёрлади.**

НАГРАЖДЕННЫЕ РОДИНОЙ



# КОГДА МЕЧТЫ СБЫВАЮТСЯ

**В каждой профессии есть свои нюансы и сложности. Есть они и у сотрудников службы безопасности дорожного движения. Быть на ногах день и ночь, несмотря на холод и зной, сталкиваться с различными непредвиденными ситуациями и всегда стараться найти выход, не уронив при этом чести и достоинства, – требует физической выносливости и моральных сил.**



Наш герой – старший инспектор группы УБДД УВД Сурхандарьинской области лейтенант Исроил Хуррамов не боится трудностей. Еще в детстве он с восхищением смотрел на сотрудников УБДД. Автомобили с мигалками, предупредительные сигналы, сотрудники в форме вызывали у мальчика восторг. Даже играя с товарищами, Исроил неизменно примерял роль сотрудника ОВД, призывающего к порядку на дороге.

И. Хуррамов любит свое дело, самоотверженно выполняет поставленные задачи. Его труд был замечен – Указом Президента Республики Узбекистан он награжден медалью «Шухрат» за самоотверженность, проявленную в борьбе с пандемией коронавируса.



– Постоянный пост ДПС «Дарбанд» расположен в горной местности. Здесь плохо ловит мобильная связь, – говорит И. Хуррамов. – Весть о награждении я услышал от аксакала, прибывшего из Джизакской области. Вначале не поверил, но, увидев в Указе свои фамилию и имя, очень порадовался. Эту новость с большой радостью встретила моя семья, мама. Гордость переполняет от того, что меня удостоили такой высокой награды. Обещаю оправдать высокое доверие, служить еще эффективнее, с большей самоотдачей, самоотверженно выполнять свою работу.

Это слова настоящего патриота, истинного стража порядка.

В ходе несения службы случается всякое. Однажды наш герой столкнулся с водителем грузовика, который болел коронавирусом. И. Хуррамов сразу был помещен на 14-дневный карантин. Затем снова приступил к работе.

– Все эти 5 месяцев я вижу семью раз в неделю, – говорит наш герой. – Для моих детей, а их у меня трое, это настоящий праздник. Иногда младший сын спрашивает: «Почему Вы снова уходите? Можно, я пойду с Вами». Приходится объяснять ему, что в стране идет борьба с невидимым врагом – вирусом, и наша задача – стоять на защите здоровья наших граждан. Потом обещаю привезти ему сладости, он успокаивается и провожает меня на службу.

**Феруза РАХМОНКУЛОВА,**
**корреспондент «Postda».**
*Сурхандарьинская область.*








# ЗДЕСЬ РАБОТАЮТ САМООТВЕРЖЕННЫЕ ЛЮДИ

**Временная больница для оказания медицинской помощи пациентам с подозрением на коронавирусную инфекцию или инфицированным ею, организованная на базе спортивного комплекса «Универсал» Федерации гимнастики Узбекистана, закреплена за МВД Республики Узбекистан.**





Рассчитана она на 750 койко-мест, оснащена необходимым оборудованием и обеспечена лекарственными средствами. Здесь функционируют четыре медблока, куда размещают пациентов в зависимости от тяжести заболевания. В каждом медицинском отсеке по две койки, аппарат для генерации кислорода, кнопки срочного вызова медперсонала.

Самоотверженные люди – врачи, медсестры, санитары и санитарки Центрального госпиталя МВД, а также иных медицинских учреждений, экипированные в средства индивидуальной защиты, дежурят в две смены, по 12 часов, проявляя при этом высокий уровень профессионализма и лучшие человеческие качества.

Следует отметить, что до того, как 1 августа больница начала функционировать, была проделана гигантская работа по переоборудованию спорткомплекса. Были подведены коммуникации, созданы условия для плодотворной и продуктивной деятельности временного медицинского учреждения.

Для пациентов организовано трехразовое питание. Они бесперебойно обеспечиваются обильным горячим питьем – это необходимо для их скорейшего выздоровления.

Здесь все направлено на то, чтобы в кратчайшие сроки «поднять» организм пациента на должный уровень иммуностатуса, а значит достичь хороших устойчивых результатов в лечении коварной инфекции, оздоровить людей, вернуть их к привычному ритму жизни.

**Соб. корр.**



## ИККИНЧИ ИСТЕЪДОД

**Бугун ҳавонинг авзойи анча бузуқ. Осмонни қоплаган булутларнинг қалинлигига қараганда, ёмғир ёғадиганга ўхшайди. Тўғриси, ёмғирни ёқтираман. Арғамчи бўлиб тушаётган ёмғир томчиларини очиқ деразадан томоша қилиш жону дилим. Бугун ҳам шундай бўлди. Тоза ҳаводан тўйиб-тўйиб нафас олиб турганимда хонага ҳамкасбим кириб келди.**

*Равшанбек Игамбердиев 1985 йилда Қорақалпоғистон Республикаси Тўрткўл туманида туғилган. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясини тугатган. Ҳозирда Беруний тумани ИИБ ҳузуридаги Тергов бўлинмаси бошлиғи вазифасида хизмат қилмоқда.*

*Маълумки, ҳуқуқ-тартибот соҳаси турли воқеа-ҳодисаларга бой ҳисобланади. Равшанбек Игамбердиев ўз соҳасидаги ана шу имкониятлардан унумли фойдаланишга интилаётган, келажакда эл-юрт равнақи, Ватан тараққиёти учун астойдил хизмат қилишга чоғланган ижодкорлар сирасидан.*

*Унинг ҳикоялари шунчаки тафаккур маҳсули эмас, балки ён-атрофимизда содир бўлаётган воқеаларнинг аксидир, шунинг учун ҳам ўқувчини бефарқ қолдирмайди.*

# ОСМОННИНГ КЎЗ ЁШЛАРИ

### Ҳикоя

– Бугун сиз навбатчи адвокатмисиз?

– Ҳа, шундай.

– Терговчи қўнғироқ қилди, бир жиноят ишида иштирок этишингиз ва гумон қилинувчини ҳимоя ҳуқуқи билан таъминлашингиз керак экан.

Ҳужжатларни йиғиштирдим-да, керакли қоғозларни олиб, идорамиздан унча узоқ бўлмаган ички ишлар биносига бордим. Иш тафсилотларига қизиқиб, тезда мени чақиртирган терговчининг хонасига кирдим.

Иштирок этишим зарур бўлган жиноят иши тафсилотлари билан танишдим: гумон қилинувчи жабрланувчининг қўлини уриб синдирган, бошқа жойларига ҳам шикаст етказган. Ажабланарлиси шундаки, жабрланувчи ўз ўғли томонидан ана шундай аянчли аҳволга солинган эди.

Кеча оқшом туман касалхонасига танасидаги сон-саноқсиз лат ейишлар ва қўл-билак суягининг очиқ синиши каби жароҳатлар билан олиб келинган жабрланувчи ҳеч нарса демаган. Бироқ қўшниси Аҳмад ака ўз кўрсатувларида жабрланувчи аёл қўшниси экани, ўғли Ворис доим ичиб келиб, онасини калтаклаши, олдинлари ҳам бир неча маротаба бу ҳолат такрорлангани, кеча тунда бақир-чақирдан сўнг қўшнисининг уйига кирганида Ворис онасини аямай ураётганлигини кўриб, ИИБ ходимларини чақиргани, Ворисни ваҳший ҳаракатлари мунтазам такрорланиши, бироқ онаси ҳеч қачон, ҳеч кимга шикоят қилмасдан келаётганини билдирган.

Ворисга нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, жиноий ҳаракатларини давом эттирмаслиги учун ушланган. Унинг 24 соат ичида адвокат билан таъминланиши зарурлиги сабабли мени навбатчи адвокат тариқасида ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида чақиртиришган экан.

Тафсилотларни билгач, терговчига ҳимоямга олинадиган шахс билан учрашмоқчилигимни айтмоқчи бўлиб энди оғиз жуфтлаган эдимки, хонага Ворисни олиб киришди. Жиноят иши билан танишганда йигитнинг ўттиз тўрт ёшда эканини билган эдим. Отаси вафот этган. Доим ичиб келиб жанжал қилганлиги боис турмуш ўртоғи ҳам фарзандлари билан кетиб қолган, ўзи эса онаси билан яшаётган экан.

Терговчига Ворис билан алоҳида – адвокатлар хонасида гаплашиб олмоқчилигимни айтдим. Соқчи Ворисни адвокатлар хонасига олиб борди ва иккимизни ёлғиз қолдирди.

Юзма-юз ўтирган Ворисни кузатарканман, ундан анқиётган ароқ ва бошқа ҳидлар аралашиб димоғимга урилди, кўнглим беҳузур бўлиб, ўрнимдан турдим.

– Мен сизнинг ҳимоячингиз – адвокат Ҳакимовман, истасангиз, мени Алишер ака, деб чақиришингиз мумкин.

– Мени қачон қўйиб юборишади? Умуман, нега ушлаб туришибди?!

Ворисни биринчи берган саволи шу бўлди. Бундан қанча ажабланмай, тилимга келган гапни айтиб юбордим:

– Онангизнинг соғлиғини сўрасангиз бўлармиди?..

– Онамга ҳеч нима қилмайди, бу олдин ҳам бўлган, онам шикоят қилмаган ва иш ёпилиб кетган...

Қанчалик ҳайратланмай, ҳимоям остидаги шахсга вазиятни тушунтиришга уриндим:

– Сиз содир этган жиноят оғир жиноят тури ҳисобланади. Онангиз шикоят қилмаса ҳам, барибир жиноят иши қўзғатилади. Иш судга ошади, ҳаммаси судда ҳал бўлади...

– Тўхтанг, нима, онам шикоят қиляптими?!

– Йўқ. Айтинг-чи, нима учун онангизни урдингиз?.. – дея сўрадим ўзимни босишга уриниб.

– Қаердан биламан... Кеча ўртоқларим билан зиёфатимиз бор эди, сўнг уйга маст бўлиб келдим. Онам ҳар доимгидек бир нималар деб минғирлаган бўлса керак...

Вориснинг жавобларидан қаршимда одам эмас, бир махлуқ ўтирганини ҳис қилдим. «Наҳотки шундайларни ер кўтарса? Одам ҳам ўз онасини шу аҳволга соладими?!» Миямда ғужғон ўйнаётган саволларга жавоб топа олмадим.



Шундан сўнг Ворис билан терговчининг хонасига кирдик. Сўроқ қилиш бошланди. Деразадан қарасам, ҳалигина тинган ёмғир яна шаррос қуймоқда. Бундай манзарадан бебаҳра қолмаслик учун терговчидан деразани очишга рухсат беришини сўрадим. У рози бўлгач, деразани очиб, панжарадан ташқарига қарадим. Хонага кирган ёқимли ҳаводан тўйиб-тўйиб нафас оларканман, ИИБ биноси олдида бир аёлнинг афтодаҳол турганини кўрдим: кўринишидан аёл ёмғирда қолганини ҳам унутиб, кимнидир илҳақ кутаётганлигини билиш қийин эмасди.

Шу вақт терговчи хонасидаги телефон жиринглади, у гўшакни кўтариб, ким биландир гаплашди ва менга:

– Жабрланувчи касалхонадан чиқиб кетибди. Қаерга бориши мумкин? Аҳволи яхши бўлмаса... – дея савол назари билан қаради.

Мен ёмғир остида турган кекса аёл ўша жабрланувчи эканини англадим-да, терговчига:

– Мен ҳозир келаман! – деганча эшикка отилдим.

Ташқарига чиққанимда ҳалиги аёл боғланган қўлини бўйнига осганча, иккинчисида ёмғирдан янада оғирлашган сумкани зўрға кўтариб турарди.

– Онажон, тинчликми, кимнинг олдига келдингиз? – дедим.

– Ўғлимни кўришга келгандим...

– Ўғлингиз ким, нима қилган? – дедим мен ўйлаётган жавобни айтмаслигини умид қилиб.

– Ўғлим Рашидов Ворисбек, кеча жанжаллашган экан, қамаб қўйишибди.

– Мен ўғлингизнинг адвокати бўламан, унинг ҳаракатларидан хабардорман.

– ...

– Қаранг, қўлингиз жароҳатланган, касалхонага боришингиз керак, бу соғлиғингизга зиён етказади, – дедим ноқулай вазиятдан қутулиш учун аёлнинг боғланган қўлига ишора қилиб.

– Ўғлимни бир кўрармикинман, деган умид билан қараб турган эдим, – деди онахон ва боғланган қўлини менга кўрсатмаслик учун орқасига яширди.

– Уни (негадир ўғлингиз дейишга тилим бормади), албатта, кўрсатишади, бунга ҳақингиз бор. Бироқ ёмғирда туриш соғлиғингизга зиён. Юринг, ичкарига кирамиз, – дедим шалаббо бўлган кийимларига ишора қилиб.

– Йўқ, йўқ, ичкарига кирсам, яна касалхонага олиб кетишади. Олдин ўғлимни бир кўрай, у кечадан бери ҳеч нарса емади. Унга иссиқ сомса олиб келган эдим, шуни ўғлимга беринг, илтимос.

Мен ноилож онаизорнинг қўлидагиларни олдим ва «Бораверинг», дея ишора қилиб, жойимда тош қотдим. Шўрлик она орқасига қарай-қарай, ноилож бекат томон кетди. Ичкарига кирганимда, беихтиёр қуйилиб келаётган кўз ёшларим юзимдаги ёмғир томчиларига қўшилиб оқар эди...

**Равшанбек ИГАМБЕРДИЕВ,**
**майор.**




## СЎЗДАН СЎЗНИНГ ФАРҚИ БОР

**ЕЛМОЯ** Тез юрадиган (югурик) туя.

**ЁБИ** (юк ташувчи, насли паст от) фольк. Насли паст, хашаки от.

**ЁЛПЎШ** (ёлни ёпувчи) Отнинг ёлини ўраб, ёпиб қўядиган мато, ёпқич.

**ЖАЗОЙИЛ** фольк. Милтиқнинг бир тури; кичик тўп, замбарак.

**ЖАРИДА** (газета, рўйхат) эск. Тўплам, алманах, журнал.

**ЗУЛФИН** (эшик ҳалқаси, занжири) Қулф осиш ёки эшикни беркитиш учун эшикка ва унинг кесакисига, икки табақали эшикда ҳар икки табақага ўрнатиладиган кичкина ҳалқасимон темир ва унга осилган занжир.

**ИЖТИҲОД** тиришиш, ғайрат қилиш, жаҳд қилиш эск. кт. Зўр ғайрат, жон-жаҳд билан уриниш.

**МИРШАБ** (бошлиқ; ҳукмдор кеча, тун: тунги қоровул бошлиғи) 1 тар. Ўрта Осиё хонликларида тунги шаҳар соқчиси ва уларнинг бошлиғи.

**ЗЎҒАТА,** зўғота 1 Кетмон, теша ёки болтанинг соп ўрнатиладиган тешиги. 2 Маккажўхорининг донсиз ўзаги; (сўта).

**КАНДАКОР** Металлга ўйиб, чизиб нақш ишловчи уста, ҳунарманд.

**КАПИТАН** (пешқадам, сардор). Бир қанча мамлакатлар, жумладан, Ўзбекистон Қуролли Кучлари, ички ишлар тизимида катта лейтенантдан юқори, майордан кичик офицерлик (зобитлик) унвони ва шу унвонга эга бўлган офицер (зобит).

**МАНДОЛИНА** Тўрт жуфт сим тори бўлган чертма мусиқа асбоби.

**«Ўзбек тилининг изоҳли луғати»дан олинди.**

# BOLAJON SAHIFASI

## CHAPAQAYLIK AYB EMAS, AMMO...



Do'stlaringiz, sinfdoshlaringiz orasida chapaqaylar bo'lsa kerak? Balki o'zingiz chapaqaydirsiz? Unda siz kichkinaligingizda ota-onangizning: «Qoshiqni o'ng qo'lingda ushla», «O'ng qo'ling bilan yoz» kabi tanbehlariga unchalik ham quloq tutavermagansiz. Chapaqaylikning nimasi yomon, deyishingiz mumkin. Tibbiy tahlillar shuni ko'rsatmoqdaki, o'naqay odamning nafas yo'llari, o'pkasi, ayniqsa, jigari chapaqay odamnikiga nisbatan sog'lom va baquvvat bo'lar ekan. O'naqaylik jigarning sog'lomligiga ijobiy ta'sir qiladi. Muhimi, hayotda doimo chapaqaylikdan uyalib, tortinib yashashdan xalos qiladi.

Xo'sh, endi ayting-chi, qay biri afzal: chapaqaylikmi yoki...



## «N» HARFI BILAN BOSHLANIB, «N» BILAN TUGAYDIGAN SO'ZLARNI TOPING

Milliy taom.
Aqlsiz, tentak.
Aziz ne'mat.
Anorning asosiy xususiyati.
Ayb, qusur.

## BILAG'ONLAR UCHUN MANTIQIY JUMBOQLAR

### BU KISHI NECHA YOSHDA?

Bir kishidan:

– Yoshingiz nechada? – deb so'rashdi.

– Mening yoshim kenja nabiramnikidan 600 barobar katta, – deb javob berdi u. Ayting-chi, shunday bo'lishi mumkinmi?

Javob: U kishi 50 yoshda, nabirasi 1 oylik chaqaloq. Nabirasining yoshi oylar bilan hisoblangani uchun 600 barobar katta bo'la oladi.

### DOKTOR BUYURGAN DORILAR

Doktor bemorga uchta yo'tal dori berib, har birini bir donadan yarim soat oralatib ichishni buyurdi. Davolanish boshlangach, bemor oxirgi – uchinchi dorini necha soatda ichadi. Unda bor-yo'g'i 3 dona hapdori bor.

Javob: Bemor birinchi dorisini ichgan vaqt 6:00 bo'lsa, ikkinchi dorisini 06:30 da, uchinchi dorini 07:00 da ichgan. Birinchi va uchinchi dorini ichgan oraliqdagi vaqt roppa-rosa 1 soatni tashkil etgan.

## TO'TIQUSH HAQIDA QIZIQARLI FAKTLAR

* To'tiqushlar zehni o'tkir, xotirasi mustahkam qushdir.

* U turli tovushlarni, jumladan, odam ovozi, ro'zg'orda ishlatiladigan uskunalar, boshqa qushlar tovushlarigacha takrorlaydi.



* Eng yirik to'ti «ARA» hisoblanadi. Uning uzunligi bir metrgacha, vazni 1,5–2 kilogrammgacha yetadi. Eng qimmat qush ham «ARA»dir.

* «Kakadu» 40 tagacha so'z va bir nechta gaplarni eslab qola oladi. «Lori» esa 50 tagacha so'z va bir nechta gapni yodlash xususiyatiga ega. Mayda to'tilar 100 tagacha so'zni yodlay oladi.

* Gapirishni tez o'rgana oladigan to'ti «Jako»dir. U 2000 tagacha so'zni yoddan bilibgina qolmay, ularni turli ohanglarda ayta oladi.

* «Qora kakadu»ning uzunligi 60 santimetr, vazni 1 kilogramgacha yetishi mumkin. 10 santimetrlik tumshug'i bilan bir chɔ'qishda odam barmog'ini uzib olishi ham hech gap emas.

* To'tilar eng uzoq umr ko'ruvchi qushlar sirasiga kiradi. Mayda to'tiqushlar 25 yilgacha yashasa, yiriklari 100 yil umr ko'radi.

* To'tining eshitish imkoniyatlari juda keng. Boshini 180 darajagacha bura oladi.

* Eng tez uchadigan to'tilar mayda to'tiqushlardir. Ular soatiga 120 km tezlikda uchadi.

* Shokolad, tuz, avokado, spirtli ichimlik mayda to'tiqushlar uchun o'lim demakdir.

* To'tilar ham chapaqay, ham o'naqay bo'ladi. Buni yegulikni qanday olayotganiga qarab aniqlash qiyin emas.

## HOZIR YOSHIM OLTIDA

*Hozir yoshim oltida,*
*Katta-kichik oldida*
*Yurishlarim bo'lakcha,*
*Turishlarim bo'lakcha.*

*Chunki aqlim kirgan-da,*
*Uyga mehmon kelganda,*
*Ko'zni qilib shamg'alat*
*Olmasman hech shokolad.*

*Tanish-bilish odamlar,*
*Akam, ayam, dadamlar*
*Deyishar:*
*– Erkatoyim,*
*Ana shunday bo'l doim*
*Katta-kichik oldida,*
*Axir, yoshing oltida.*

**Yo'ldosh SULAYMON.**

## TANK CHIZISHNI O'RGANAMIZ




## QUVNOQ LATIFALAR

– Maktabga borgim kelmayapti!
– Nega?
– Maktabda «A»ni yoz, deyishadi.
– «A»ni yozishni istamaysanmi?
– «A»ni yozsam, keyin «B»ni yoz, deyishadi-da.

* * *

– Oyijon, bugun maktabda hammamizni emlashdi.
– Yaxshi-ku, qizim. Yig'lamadingmi, ishqilib?
– Yo'q, oyijon. Hamshira meni quvlab yetolmadi.

* * *

– Sardor, nega asal bankasiga «qalampir» deb yozib qo'yding?
– Jim, men chumolilarni chalg'ityapman.

## O'XSHASHINI TOPING




**Sahifa materiallarini Adolat FAYZIYEVA tayyorladi.**

# ПРЕСС-СЛУЖБА НАЦИОНАЛЬНОЙ ГВАРДИИ СООБЩАЕТ:

## ДОБРОТА И ПОДДЕРЖКА

В период пандемии в стране осуществляются задачи по всесторонней поддержке нуждающихся слоев населения. В частности, военнослужащие Управления Национальной гвардии по Андижанской области принимают меры к разрешению имеющихся у граждан проблем.

Во время посещения дома матери-одиночки З. Абдуллаевой, проживающей по улице Андижоний г. Андижана, было установлено, что ей необходим медицинский осмотр. Врачи Национальной гвардии диагностировали у гражданки грыжи шейного и поясничного отделов позвоночника. Она была госпитализирована в неврологическое отделение клиники АГМИ.

Благодаря усилиям врачей и военнослужащих здоровье жительницы Андижана восстановлено, в настоящее время она вернулась к детям, которые в период лечения матери находились под присмотром военнослужащих Национальной гвардии.



## ПРОБЛЕМА И ЕЕ РЕШЕНИЕ



В частности, в письме от жителей махалли Беларик Зангиатинского района Ташкентской области, поступившем на электронную почту Национальной гвардии, говорится о том, что по всей территории махалли распространяется дурной запах. Причина – забитые канализационные сооружения. Как отмечается в обращении, о том, что стоки давно не чистили, граждане неоднократно сообщали в районные организации, однако проблема не решается с 2019 года.

Ответственные сотрудники Национальной гвардии выехали по указанному адресу. Проблема была рассмотрена с участием специалистов и актива махалли Беларик. Специалисты предоставили информацию о том, какая работа проводилась на объекте, и заверили жителей, что вопрос будет решен до конца августа.

Махаллинцы надеются, что руководство соответствующих организаций сдержит обещание и устранит проблему.



Ситуация с устойчивым неприятным запахом, который чувствуется в некоторых районах Ташкента, находится под пристальным вниманием рабочей группы, состоящей из сотрудников Национальной гвардии и ГУВД города Ташкента. В соответствии с информацией, поступающей от граждан, члены группы выезжают на места, принимают меры по разрешению изложенных населением проблем.

## ЖАЖДА НАЖИВЫ

Растущий в настоящее время спрос на лекарственные средства, медицинские препараты и аппаратуру, видимо, на руку лицам, которые стремятся нажиться на пандемии. Бессовестные граждане пытаются продавать медпродукцию по завышенным ценам, не имея каких-либо разрешительных документов.



11 августа, примерно в 17.00 в городе Термезе Сурхандарьинской области во время проведения рейда сотрудники Национальной гвардии и таможни выявили факт незаконной реализации 193 так называемых вирусных блокаторов и двух приборов для измерения температуры. Житель Ангорского района А. С., 1995 года рождения, пытался реализовать завезенную из Ташкента медицинскую продукцию жителю Термеза И. М. За весь товар А. С. намеревался получить 10 млн сумов.

По данному факту сотрудниками ОВД города Термеза проводится дознание.



## ДОСТОЙНОЕ УЧАСТИЕ

Республиканская студенческая предметная онлайн-олимпиада 2020 года проводилась в соответствии с Временным положением, утвержденным приказом Министерства высшего и среднего специального образования Республики Узбекистан от 1 мая 2020 года, по 16 дисциплинам. В ней принял участие 71 курсант Военно-технического института Национальной гвардии. 33 курсанта стали призерами по 9 предметам.

ВТИ Национальной гвардии занял 2-е общекомандное место среди 70 вузов, уступив лишь Ташкентскому государственному педагогическому университету им. Низами, получив 11 первых мест, 17 вторых и 5 третьих мест.

Победители олимпиады будут награждены дипломами I, II, III степеней.



## ВКЛАД В СОХРАНЕНИЕ ЗДОРОВЬЯ ГРАЖДАН

Несмотря на то, что в республике смягчены карантинные требования, соотечественникам необходимо ответственно относиться к здоровью своему и своих близких.

В нынешних условиях вклад наших предпринимателей в дело сохранения здоровья граждан достоен всяческих похвал.

Спонсорская поддержка Иброхима Хамроева, руководителя ООО «Мергантекс», функционирующего в Бухарском районе – на территории сектора, закрепленного за Национальной гвардией, послужит сохранению здоровья населения.

10 кислородных концентраторов и столько же пульсоксиметров, необходимых для оказания медицинской помощи больным, приобретенные на средства предпринимателя, приняты ответственными сотрудниками Национальной гвардии и хокимията и переданы в районное медицинское объединение.



**Материалы полосы подготовила лейтенант Нозима МАХМУДОВА.**

ПО МАТЕРИАЛАМ СЛЕДСТВИЯ

# Вседозволенность

**Каждому предписан судьбой путь, который суждено пройти. И от того, насколько этот путь будет честен и справедлив, зависит отношение к нам окружающего мира. По специфике журналистской работы, мне доводилось знакомиться с разными историями, по большей части, конечно, криминального характера. В уголовных делах фигурировали разные люди. Среди них были и обвиняемые, и потерпевшие. И лишь непредвзятое профессиональное расследование случившегося позволяло с уверенностью развести по обе стороны тех, кто волею судьбы, как говорится, попал под раздачу, и тех, кто, осознавая последствия, преступил закон…**



…Знакомясь с официальными строками обвинительного заключения в отношении жителя столицы Расула Хамидова, временно проживающего в Мирабадском районе столицы, я сразу же обратил внимание на то, что он вовсе не криминальный тип, успевший отмотать срок в местах не столь отдаленных. Скорее наоборот: Хамидов – весьма успешный и состоятельный предприниматель, имеющий высшее образование, занимающий ответственный пост в одной из крупных фирм, никаких криминальных связей не имеет, проживает с женщиной, у которой есть ребенок от первого брака. Согласитесь, уважаемые читатели, это обстоятельство его характеризует весьма положительно.

Однако это не помешало Расулу Хамидову совершить преступление. Вот, что говорится в обвинительном заключении: «…в процессе семейной ссоры нанес удары руками и ногами по различным частям тела своей сожительницы, в результате чего причинил ей телесные повреждения и она была госпитализирована.

Согласно заключению судебно-медицинской экспертизы, у потерпевшей были обнаружены… сочетанная травма, закрытая черепно-мозговая травма, сотрясение головного мозга, ушиб мягких тканей левой заушной области и левой плечевой области, закрытый перелом копчика... Данные телесные повреждения влекут за собой длительное расстройство здоровья…».

Человек, характеризующийся положительно, до такой степени избивает сожительницу, имеющую двух несовершеннолетних детей, что та попадает в больницу… Быть может, в данном случае уместна поговорка: «В тихом омуте черти водятся»?



На следствии Хамидов рассказал, что все случилось как-то спонтанно и неожиданно. В этот злосчастный день он плохо себя чувствовал, видимо, простудился. У него поднялась температура. Пришел домой, выпил жаропонижающее лекарство, лег отдыхать. А когда домой пришла сожительница Светлана, с детьми – Натальей и малолетним Мансуром, мужчину словно прорвало. Да уж, наградила судьба «достойной» спутницей! Обед готовит кое-как, дома такой беспорядок, что черт ногу сломит, слова от нее доброго не дождешься, все время что-то высказывает, постоянно чем-то недовольна. Неблагодарная дрянь! По свидетельству потерпевшей, Хамидов, имеющий на стороне любовницу, лишь искал повод, чтобы высказать все, что ему не нравилось, в мыслях постоянно сравнивая ее с молодой и красивой соперницей. И как только Светлана попыталась что-то возразить Хамидову на сделанное им замечание, как в него словно бес вселился …

Отделав сожительницу так, что она едва сумела подняться с пола, он уехал по своим делам, а когда вернулся домой, ни ее, ни детей уже не застал. Активные поиски с помощью сотрудников органов внутренних дел вскоре дали результат – женщину нашли в больнице с травмами…

Человек, имеющий хорошую репутацию, вдруг оказался семейным дебоширом, не осознающим истинного смысла своего поступка. Домашнее насилие оправдать нельзя, потому что это одна из форм тирании, где жертва не может себя защитить, тем более оказать достойное сопротивление. В нашем государстве имеется прочная правовая база, определяющая соответствующее наказание за подобные деяния, и тут говорить о том, что милые ругаются – только тешатся, конечно, не приходится.

Подследственный Р. Хамидов всячески пытался ввести в заблуждение следствие, предлагая то одну, то другую «правдоподобную» версию случившегося. Но следователи СО при УКД ОВД Мирабадского района столицы быстро установили истину. А. Хамидову было инкриминировано преступление, предусмотренное ч. 1 ст. 105 УК Республики Узбекистан. Он понес соответствующее наказание.

*(Имена и фамилия изменены, возможные совпадения могут иметь случайный характер.)*

**Георгий ПЕТРОСЯН,**
**корреспондент «На посту».**






ЖИНОЯТГА ЖАЗО МУҚАРРАР

# НАФС ГИРДОБИ

**Инсоннинг кўзга кўринмайдиган, аммо ундан сира ажралмайдиган бир чиркин душмани борки, у доим турли ўйин ва ҳийлалари билан эгасини тўғри йўлдан адаштиришга, хатолар қилишга, гуноҳлар томон етаклашга уринади. Бу – нафс! Бу ғаним имкон туғилди дегунча одамни гирдобига тортиш пайида бўлади.**

Шу боис ҳам донишмандлар «Ҳаётда энг кучли одам нафсини жиловлаган одамдир», деб бежиз айтишмаган. Чунки нафсга берилиш кишини нафақат тўғри йўлдан адаштиради, балки қўлини эгри, сўзини ёлғон, юзини шувут қилади, баъзан оғир жиноий қилмишларни ҳам келтириб чиқаради.

Афсуски, Баҳодир (исмлар ўзгартирилди) бу ҳаётий ҳақиқатни тўлиқ идрок эта олмади. Йўқса, муқаддам содир этган жинояти учун тайинланган озодликни чеклаш тариқасидаги жазодан ўзига тегишли хулоса чиқариб, ҳаётини янгитдан бошлашга уринган бўларди. Бунинг ўрнига берилган имкониятдан тўғри фойдалана олмай, яна суднинг қора курсисида бошини хам қилганча, ер чизиб ўтирарди. «Менинг нафсим балодур, ёнган ўтга солодур», деб шунга айтишса керак-да...

* * *

Баҳодир Дониёр билан коллежда ўқиб юрган кезлари жуда қалин дўст эди. Ўқишдан кейин Дониёр Россияга ишлагани кетди. У ерда жиноят содир қилгани учун судланиб, икки йилга озодликдан маҳрум этилди. Қамоқдан чиққач, юртига қайтиб келди. Бир куни Баҳодир унга қўнғироқ қилиб:

– Кўришмаганимизга ҳам анча бўлди, бир ўтирмаймизми? – деди.

– Зўр бўларди! Мен бир дўстим билан ўтирибман, сен ҳам тезда етиб кел. Биргалашиб «қиттак-қиттак» қиламиз.

Баҳодирга бу гап ёқиб тушди. Орадан кўп ўтмай етиб келди. Унинг «шарафига» алоҳида спиртли ичимлик олишди ва учовлон биргалашиб «майдалашди».

– Майли, энди менга рухсат, битиришим керак бўлган ишларим бор эди, – деди Дониёрнинг дўсти.

– Биз ҳам турамиз, қани, ўтирган ўрнимиз йўқолмасин, – деб юзига енгил фотиҳа тортиб ўрнидан кўзғалди Дониёр. Дўстини кузатишгач, Баҳодир билан кўчада бироз гаплашиб турди-да, ўртоғи Жавлонни эслади.

– Қани юр, сени бир дўстимнинг уйига олиб бораман, роса шинаванда йигит, – деди Дониёр.

Жавлон ҳақиқатанам уларни илиқ қарши олди. Уйига таклиф қилди. Бирпасда хонтахтани егуликлар билан безатиб ташлади. Онаси эса дарров ошга уннади. Дастурхонга «кўрк» бериб турган спиртли ичимликлар очилди, дўстлар дилдан яйрашди, мириқиб суҳбатлашишди.

– Сени ҳам роса уринтирдик, ошна, – деди Дониёр кетаётиб Жавлонга. – Холамга ош учун раҳмат айтиб қўй, жуда мазали чиқипти.

– Ош бўлсин, дўстим, йўқлаб келганингга роса хурсанд бўлдим. Бу сафар яхши кутиб ололмадим, бошқа бир келинглар, – деди Жавлон.

Улар мезбон билан хайрлашиб, йўлга чиқишди. Гаплашиб, бироз юришди.

– Шунча йилдан бери энди кўришдик, юр, сени балиқхўрликка олиб бораман. Зўр жой бор, мазали қилиб пиширади, – деди Дониёр.

– Майли, би-ир эриганингда йўқ десам бўлмас, – деб кулди Баҳодир.

Улар такси тўхтатиб, бир ошхонага боришди. Ичкарида унча одам кўп эмасди. Ўтирганлар спиртли ичимлик таъсиридами, бир гапириб, ўн кулар, ошхонани бошига кўтарарди.

Дониёр пиво «заказ» қилди. Сотувчи қизларни ҳам дастурхонга таклиф қилди. Биргалашиб ўтиришди.

– Бизга балиқ қовуриб беринг, – деди Дониёр ошхона хизматчиларидан бирига.





– Ўтин қолмади, узр, қовуриб беролмаймиз, – деди хизматчи.

– Ие, қаердан келдик, биласизми, балиқ егани? Бу нима деганингиз? – сал овозини баландлатди Дониёр.

– Ҳа, ўтин бўлмаса, қандай қовуриб берамиз, сиз ҳам бизни тушунинг-да, ахир.

Ошхонада бирпасда ғала-ғовур бошланди. Бирор кўнгилсизлик чиқмасин деб, «Кеч бўлди, иш вақтимиз тугади, тарқалинглар! Ошхонани бекитамиз!» деди хизматчилардан бири.

Ҳамма бирин-кетин ошхонани тарк этди. Дониёр билан Баҳодир ҳам чиқиб, ўша атрофда гаплашиб туришди. Ошхона эгалари у ер бу ерни сал тартибга келтиришди-да, ёғоч эшикни қулфлаб, машинага ўтириб кетишди. Баҳодир уларнинг ортидан анчагача қараб қолди.

– Юр, ошхонага кириб, ўзимиз балиқ қовуриб еймиз, бир дил кетди-да, – деди Баҳодир.

– Чинданам, нега балиқ емай кетишимиз керак экан? Қани, юр, эшикни бузиб кирамиз!

Шайтоннинг энг ишончли қуроли бўлган нафс уларни ана шу тарзда ўз домига торта бошлади. Икковлашиб ошхона эшигини бузиб, ичкарига киришди. Совиткични очиб қарашса, балиқ бор, аммо уни қовуриш учун чинданам на ўтин, на газ бор эди.

– Уйда қовуриб еймиз, – деди Баҳодир ва совиткичда турган балиқларни, ёнидаги товуқларни қопга жойлади. Дониёр у ер бу ерга аланглаб, қуруқ қўл билан чиқиб кетгиси келмай, қўлга илинадиган тузукроқ нарса ахтарди. Кўзи телевизор ва тонерга тушди. Шартта уларни қўлтиқлади-да, ошхона эшигини ёпиб, жуфтакни ростлашди.

Нарсаларни йўл четидаги тут дарахтининг остига яшириб туришганида йўловчи машиналардан бири тўхтаб, улардан газ қуйиш шохобчасини сўради. «Балки, шу билан ишни битирсак бўлар», деган мақсадда унга ўзларича «меҳрибонлик» қилишди.

– Истасангиз, биз сизга йўлни кўрсатиб борамиз, – деди йигитлардан бири. Ҳайдовчи «Чиқинглар» деди ҳайрон бўлиб. Унча узоқда бўлмаган газ қуйиш шохобчаси берк экан. Ундан яна ортга қайтариб ташлаб кетишини сўрашди.

– Маҳалламиздаги Соқи ака кўнармикин? – деди Дониёр Баҳодирга.

**– Йўлкирасини берсак, жон-жон деб кўнади, шуям муаммоми? – деди дўсти. Шундай қилиб, улар Соқи аканикига боришди. «Озгина хизмат бор эди», деб уни кўндиришди. Унинг машинасида бориб, яшириб қўйилган нарсаларни машинага ортишди. Хизмат ҳақи эвазига эса пулимиз қолмади деб беш дона товуқ беришди. Соқининг кўнглига шубҳа оралаб:**

**– Ишқилиб бирор «ишкал» қилмадиларингми? – деди бир товуққа, бир йигитларга қараб.**

– Йўғ-е, нималар деяпсиз, ақлимиз кирди, одам бўлдик, – деб кулишди йигитлар бир-бирига маъноли қараб.

Хайр-хўшлашиб, бири телевизорни, бири эса балиқ ва товуқлар солинган қопни кўтариб Дониёрникига келишди.

– Ие, ҳамма донг қотиб ухлаб ётипти-ку, бугун балиқ емаймиз, шекилли, – деди ҳафсаласи пир бўлиб Дониёр.

– Мана, мен ўзим қовуриб ташлайман, қани, буёққа ол-чи, – деди Баҳодир.

– Яхши, унда мен мана буларни бир ёқлик қилай, яна уйдагилар исини билиб қолишмасин, – деди Дониёр ва телевизор, қопда қолган балиқ, товуқларни велосипедига ортиб, таниши Шуҳратникига ташлаб келди.

– Иш битдими? – деди балиқ еб ўтирган Баҳодир Дониёрга қараб.

– Ҳа, битди. Аввалига, шубҳаланиб турганди, зўрға қутулдим-ей, – деди Дониёр.

Иккови балиқхўрликдан кейин донг қотиб ухлашди. Дониёр эрталаб Баҳодирни кузатиб келиб, яна уйқуни давом эттирди. Вақт пешин маҳалига етиб қолган эди, чамаси, Баҳодирнинг елкасидан биров туртиб уйғотди. Қараса, тепасида Жавлон билан Дониёр қовоқ уюб туришарди.

– Нима гап, тинчликми? – деб шошиб ўрнидан турди.

– Кеча нима иш қилгандиларинг? – терс гапирди Жавлон.

– Кечами... ҳалиги... ҳозир сенга аввал бошдан тушунтириб бераман... – деб ғудранди Баҳодир.

– Менга эмас, инспекторга тушунтирасан энди ҳаммасини. Ҳе, сендақа дўстларнинг...

Жавлон ҳафсаласи пир бўлган одамдек терс бурилиб чиқиб кетди.

– Кечаги «иш»нинг ҳидини олишибди дарров. Бизни ташқарида профилактика инспектори кутиб турибди... – деди Дониёр чуқур хўрсиниш билан.

«Ўғри ўмариб йўлга шошар, узоққа бормай қўлга тушар», деб шунга айтсалар керак-да. Хуллас, тоғни урса талқон қиладиган йигитларнинг умр дафтарига яна бир бор «судланган» деган «тамға» босиладиган бўлди.

Мазкур иш жиноят ишлари бўйича Бекобод туман судида кўриб чиқилди ва айбдорларга ҳукм ўқилди. Унга кўра, Дониёрга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси, Баҳодирга эса озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди.

Шу ўринда ҳақли савол туғилади: Дониёр ҳам, Баҳодир ҳам муқаддам содир этган жиноятидан ўзига тегишли хулоса чиқармай, яна одамлар олдида изза бўлди. Энди-чи, қилмишимиздан астойдил пушаймонмиз деган гаплари ростмикан? Мабодо, йигитлар қайтиб номақбул ишга қўл урмаймиз деган ваъдасида турмаса оғир маломатга қолишлари аниқ.

**Баҳром ЖУМАБОЕВ,**
**Бекобод тумани ИИБ ҳузуридаги Тергов бўлими терговчиси, катта лейтенант.**
**Адолат ФАЙЗИЕВА,**
**«Postda» мухбири.**

## ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН

Фарғона вилояти ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби ҳамда фахрийлар кенгаши ички ишлар органлари фахрийси, истеъфодаги подполковник
**Аъзамжон ЮЛДАШЕВнинг**
вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига таъзия изҳор этади.

ИИВ Фахрийлар кенгаши ички ишлар органлари фахрийси, истеъфодаги подполковник Мухтор Мирзаевга турмуш ўртоғи
**ШОЙИСТА аянинг**
вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

ИИВ Тиббиёт бошқармаси раҳбарияти, шахсий таркиби ҳамда Фахрийлар кенгаши ички ишлар органлари фахрийси, истеъфодаги подполковник Моҳичеҳра Файзуллаеваға укаси
**ЖАМШИДнинг**
вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор этади.

Хоразм вилояти ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби ҳамда фахрийлар кенгаши вилоят ИИБ 11-сон тергов ҳибсхонаси бошлиғи, полковник Дилшодбек Ибрагимовга волидаи муҳтарамаси
**ШУКУРЖОН аянинг**
вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

САЛОМАТЛИК САБОҚЛАРИ

**Таом тайёрлаганда қуритилган шифобахш ўсимликлар ва зираворлардан фойдаланишга кўникканмиз. Негаки, улар кўплаб фойдали хусусиятларга эга, қолаверса, егуликка ёқимли маза ва ҳид беради. Бироқ, ёдда тутиш керакки, агар уларнинг айримлари ўз меъёрида ишлатилмаса, инсон организмига зарар етказиши мумкин.**

# ЗИРАВОРЛАР ЗАРАРЛИ БЎЛИШИ МУМКИНМИ?

**ЧИННИГУЛ** кўпинча гўштли ва балиқли таомларни пиширишда қўлланади. Кам миқдор-



да ишлатилса фойдадан холи эмас, аммо мўл солинганда инсон ўзини ҳолсиз сезиб, уйқу босади.

**ДОЛЧИН** (корица) ва мускат ёнғоғи газ печида пишириладиган емаклар ва пишириқларга қўшилади. Агар улар



меъёридан ортиқ ишлатилса, бу томир тортишиши ва ҳатто талвасага тушиш каби оқибатларга олиб келади.

**РОЗМАРИН** ўзининг ёшартирувчи хусусияти билан машҳур. Бироқ ҳомиладор аёллар уни зинҳор истеъмол қилмаслиги керак, чунки бу салбий оқибатларга олиб келиши мумкин. У қон босимини оширади, шунинг учун гипер-





тоникларга тавсия этилмайди. Бундан ташқари, розмарин пешоб ҳайдовчи восита бўлгани учун буйраклар фаолиятининг зўриқишига сабаб бўлади.

**МАВРАК** (шалфей) ўсимлигининг фойдаси ҳақида кўп гапиришади. Унинг лотинчадан таржимаси ҳам «сиҳат» маъносини англатади. Аммо маврак ёғи таркибида фаол токсин ҳисобланмиш монотерпин моддаси бор. Бу зиравор меъёридан оширилса кўп ҳолларда тахикардия ёки талваса ва ҳатто галлюцинация каби нохуш ҳолатларни келтириб



чиқаради. Ортиқча миқдорда ишлатилганда эса ортиқча асабийлашиш ёки уйқусизликка сабаб бўлади. Бундан ташқари, у ошқозоннинг шиллиқ қаватига зарар етказади, бу эса яра ёки гастритнинг зўрайишига олиб келади.

**ЗАЪФАРОН** (шафран) истеъмолида ҳам меъёрни сақлаш лозим. Негаки, ушбу ўсимликнинг атиги 5 грамми организмни заҳарлаши, бемажоллик, қайд қилиш ва ҳатто қон кетишини келтириб чиқариши, 10 грамми эса ҳомила тушишига сабаб бўлиши мумкин.

Ўткир ва оғизни жизиллатувчи хантал, саримсоқ ва қалампир бир қатор ўзига хос



фойдали хусусиятларга эга. Бироқ уларни ошқозон-ичак тракти касалликлари, масалан, сурункали гастрит ёки ўн икки бармоқли ичак хасталикларида истеъмол қилиш асло мумкин эмас. Қон босимини ошириши туфайли гипертонияга дучор бўлганларга ҳам тавсия этилмайди. Унутманг, агар ошқозон ёки юрак-қон томир тизими билан боғлиқ муаммолар бўлса, бундай беморларга ҳар қандай ўткир ва аччиқ зираворлар ман этилади.

Қадоқланган зираворларни дўкондан тайёр ҳолда харид қилишга кўникканмиз. Одатда, уларнинг таркибида организм учун зарарли бўлган озуқавий қўшимчалар ва бўёқлар мавжуд бўлади. Мисол учун, уларнинг баъзиларига аллергик таъсирга эга глютамин кислотаси қўшилади. Турли қўшимчалар истеъмоли бош оғриғи, асабийлашиш, кўриш қобилиятининг сусайиши, ич кетиши, астманинг зўрайиши, кўп миқдори эса семиришга сабаб бўлиши ва онкологик касалликларни келтириб чиқариши мумкин.

**Гулчеҳра АЗИМОВА тайёрлади.**

# Қисқа муддатли парҳезлар



**Қатиқли**

Натижа: 3 кунда 2–5 кг. вазн ташлаш мумкин.

Таомнома: кунига 1,5 литр ёғсиз қатиқ ёки кефир билан кифояланиш. Агар жудаям оч қолсангиз, бир нечта нордон мевалардан истеъмол қилишингиз мумкин.

Қандай: таомномада белгиланган қатиқ миқдорини 5-6 қисмга бўлиб ичинг.Ушбу тавсия фақат кучли ирода ва мустаҳкам саломатликка эга кишиларга тўғри келади.



**Гречихали**

Натижа: 5 кунда 3-5 кг вазн ташлаш мумкин.

Таомнома: кунига 1 стакан гречиха. Бунда исталганча суюқлик ичиш мумкин. Ушбу парҳез давомида туз ишлатмаслик лозим ёки оддий тузни денгиз тузига алмаштиринг. Кун давомида қўшимча равишда озгина ёғсиз қатиқ ёки йогурт ичса ҳам бўлади.

Қандай: кечқурун 1 стакан гречиха устидан қайноқ сув қўйиб идиш қопқоғини ёпиб қўйинг. Кун давомида мана шу бўтқани бир неча қисмга бўлиб тановул қилинг. Охирги таом қабулини ухлашдан 3–4 соат олдин амалга оширинг. Гречихани ёмон кўрадиган ва тузли егуликларни хуш кўрадиганлар чидаши мушкул. Бу парҳез қад-қоматингизни нормага келтириш учун ёрдам беради.

**Товуқли**

Натижа: 5 кунда 5 кг вазндан халос бўласиз.

Таомнома: буғда ёки сувда пиширилган териси олиб ташланган товуқ гўшти, нордон мевалар, турли сабзавотлар ва улардан тайёрланган салатлар, ҳар хил ёрмалар. Суюқлик ичиш меъёри доимгидек.

Қандай: таомномада кўрсатилган барча маҳсулотларни исталганча тановул қилса бўлади. Муҳими, товуқ кундалик таомномангизнинг биринчи ярмини, қолган маҳсулотлар эса иккинчи ярмини ташкил этиши керак.



Яхши натижаларга эришиш учун барча егулик ва таомларни тузсиз истеъмол қилинг. Парҳез давомида оч қолмайсиз, бунда сизга таомномадаги ранг-баранглик ёрдам беради. Парҳез тутмай озишни истасангиз кундалик таомномангизни балиқ, сут маҳсулотлари, ёғсиз мол гўшти ва тухумга бойитинг. Ширинликлар, қовурилган картошка, майонез ва шунга ўхшаш егуликлар, колбаса маҳсулотларидан воз кечинг.

**Эслатма:** сизни қизиқтирувчи парҳез таомлар тайёрлашда интернетда танишишингиз мумкин, тавсияларни қўллашдан олдин, албатта, шифокор билан маслаҳатлашиб олинг.

# ПИЁДА ЮРИШНИНГ ФОЙДАСИ

### ИЧАК САРАТОНИНИНГ ОЛДИНИ ОЛАДИ

Тадқиқотларнинг кўрсатишича, жисмонан фаол кишилар камҳаракатлиларга нисбатан йўғон ва тўғри ичак саратонига 30 фоизга камроқ чалинади. Ўсмаларнинг олдини олиш учун кунига ярим соат пиёда юриш кифоя. Аммо касаллик таҳдид солганида (тўғри ва йўғон ичак саратони 50 ёшдан сўнг хавф солиши мумкин), шунингдек, ёшликда тез-тез пиёда юришга одатланиш зарур.

### ҚОН БОСИМИНИ МЕЪЁРЛАШТИРАДИ

Камҳаракат яшаш тарзида қон асосан қорин бўшлиғи ва кўкрак ҳужайраларида айланади. Пиёда юрганда эса





қоннинг 80 фоизи кўл ва оёқларга йўналади. Бу артерия тизимидаги қон босимини камайтиради. Бунинг фойдасини сезиш учун кунига 30-40 дақиқа, ҳафтасига 5 марта жадал одимлаб юриш керак.

### ВАРИКОЗ ХАВФИНИ КАМАЙТИРАДИ

Юрганда болдир мушаклари жадаллик билан қисқаради. Улар оёқ бўйлаб кетган кўктомирларни (вена) сиқади, натижада қон тепага ҳайдалади. Бу қон бир жойда тўхтаб қолмаслигига, қон томирлари чўзилмаслигига кўмаклашади. Варикознинг олдини олиш учун кунига камида ярим соат пиёда юриш лозим. Идорада ишлайдиганлар қўшимчасига тез-тез юмшоқ ўриндиқдан туриб, чигалёзди машқларини бажариши керак.

**Интернет материаллари асосида Гўзал ЖАФАРОВА тайёрлади.**

## ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН

Тошкент вилояти ички ишлар бош бошқармаси раҳбарияти ва шахсий таркиби Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бошқармаси бошлиғи, полковник Исматжон Ибрагимовга падари бузруквори

**НИГМАТ отанинг**

вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор этади.

Тошкент вилояти ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби ҳамда фахрийлар кенгаши Бўка тумани ИИБ бошлиғи, полковник Отабек Ғанибековга волидаи муҳтарамаси

**ЗАРОПАТ аянинг**

вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Жиззах вилояти ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби ҳамда фахрийлар кенгаши ЙҲХБ ЙПХ отряди иккинчи сафарбарлик гуруҳи ЙПХ инспектори, сафдор Азиз Қулбековга падари бузруквори, истеъфодаги подполковник

**Аюбжон ҚУЛБЕКОВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор этади.

ЗДОРОВЬЕ

# ВОЛШЕБНАЯ СИЛА ТАНЦА



Польза танцев состоит в том, что во время занятий ими происходит мягкая нагрузка на организм, то есть они действуют на все группы мышц, при этом не повреждая суставов. Физической подготовки танцы не требуют, ими может заняться любой человек. Поначалу на тренировки будет уходить большое количество энергии, но со временем организм привыкнет к ритму, и можно будет спокойно увеличивать нагрузки. Тренировки необходимо планировать так, чтобы чередовать занятия с высокими нагрузками и релаксацию. Это позволит избежать лишнего напряжения мышц.

Каждый стиль имеет свое влияние на организм. Например, бальные танцы, фолк способствуют укреплению сердца, танец живота – спине, латина – снижает кровяное давление. Все стили объединяет одно: они улучшают дыхательную систему, что уменьшает риск простудных заболеваний и бронхита, даже астма у танцоров протекает нет так заметно, как у обычных людей. От регулярных занятий улучшаются гибкость, реакция, появляется грация. Человек начинает чувствовать себя энергичным и бодрым.

**Как часто и сколько времени нужно заниматься**

Самый оптимальный график занятий для здорового человека – 3 раза в неделю по 60-90 минут. Необходимо начинать с разминки и заканчивать снижением интенсивности нагрузки.

**Ограничения по возрасту**

Не существует. Могут только быть ограничения в связи с состоянием здоровья. Но даже в таком случае можно выбрать приемлемый вид.

**Как выбрать обувь**

Правильно подобранная обувь значительно снижает риск получения травм. Она должна соответствовать размеру ноги, быть удобной и мягкой.

**Противопоказания**

Могут иметь место при некоторых болезнях, например, сердечно-сосудистой системы или опорно-двигательного аппарата. Поэтому стоит проконсультироваться с врачом и выбрать наиболее подходящий вид танцев.



# ПРОДУКТЫ, В КОТОРЫХ КАЛЬЦИЯ НЕ МЕНЬШЕ, ЧЕМ В ТВОРОГЕ

**Кальций – один из самых необходимых для нашего организма элементов.**

Более всего в нем нуждаются опорно-двигательный аппарат, кости, хрящи и мышцы. Достаточное количество кальция нужно для профилактики диабета. Не обходится без него и секреция гормонов. Поэтому стоит следить за тем, чтобы в рационе всегда присутствовали продукты, содержащие кальций.

С детства нас приучили пить молоко и есть творог. Но кальций содержат и другие продукты.

**Яйца.** Количества кальция, содержащегося в курином яйце,



достаточно, чтобы покрыть дневную норму. Но лучше, если вы будете добавлять в еду размолотую скорлупу. В ней кальция содержится больше, чем в твороге.



**Сыры**, особенно пармезан, и **миндаль** содержат кальция больше, чем в твороге.



**Соя.** К радости вегетарианцев, в ней тоже полно кальция.

**Кунжут** не только придает особый оттенок вкуса блюдам, но и содержит много кальция.





**Чай.** Чайные листочки богаты магнием, кобальтом, цинком, железом, фтором… и это не весь список. Кальция совсем немного, но, учитывая, сколько мы его пьем, вполне достаточно для восполнения нехватки данного элемента.



**Рыба с подсолнечным маслом.** В ней есть витамин D, поэтому кальций усваивается лучше. Есть косточки и хрящи, в которых также имеется кальций.

*Не забудьте проконсультироваться с врачом.*

# УКРЕПЛЯЕМ ИММУНИТЕТ

**В связи с распространением коронавируса многие задаются вопросом: как обезопасить себя, помимо ношения медицинских масок и регулярного мытья рук? Нужно правильно питаться, особенно продуктами, содержащими много витаминов. Вот некоторые из них.**



**Шиповник** богат витамином С, увеличивает устойчивость организма к вирусам и инфекциям, помогает от усталости.



**Апельсин,** как и другие цитрусовые, положительно влияет на организм, имеет в составе много витамина С, помогает бороться с возбудителями болезней. Апельсин можно употреблять и в виде фреша, который охлаждает в жару.



**Мед** отлично борется с простудой, повышает тонус, обладает обеззараживающим и ранозаживляющим свойствами.



**Яблоко.** Во-первых, в нем очень много железа. Во-вторых, яблоки помогают организму избавиться от шлаков и токсинов. В-третьих, они обладают противовирусными свойствами.



**Миндаль.** Благодаря повышенному содержанию полезных жиров, он не только помогает укрепить иммунитет, но и избавляет от стресса.



**Чеснок** имеет массу полезных свойств. Те, кому его запах кажется слишком резким, могут просто очистить головку чеснока и залить ее кипятком, после чего дать отвару остыть. Отвар обладает теми же полезными свойствами, но не имеет столь резко выраженного «аромата».



**Морковь** содержит множество полезных микроэлементов, которые не теряют своих положительных свойств даже после термообработки.



**Свекла** богата железом, фолиевой кислотой и витаминами А, В и С.



**Имбирь** – суперпродукт для иммунитета. Насыщен витаминами и минеральными веществами, полезными эфирными маслами, в нем много витамина С, витаминов А и группы В. Имбирь стимулирует аппетит и пищеварение, нормализует отделение сока желудка и желчи.

**Подготовлено по материалам интернета.**

ЭТО ИНТЕРЕСНО

# САМЫЕ ГЛУПЫЕ ГРАБИТЕЛИ



В королевском суде Брэдфорда судили двух необычных мошенников. Дело в том, что Бенджамин Робинсон и Даниел Хатчинсон из города Скегнесс, обворовывая игровые автоматы, сделали в этот момент свои селфи, дав, таким образом, полицейским в руки улики.

Мошенникам дали по полгода тюремного заключения с отсроченным сроком исполнения, но, что интересно, они далеко не первые и не единственные в мире жулики, попавшиеся в руки правосудия из-за собственного скудоумия.

* * *

Вооруженный грабитель Эндрю Хеннелс был пойман после того, как разместил в «Фейсбуке» селфи и фото ножа и лаконично сообщил: «Граблю. Tesco».



Этого, впрочем, хватило полицейским: ровно через 15 минут его задержали с ножом и 410 фунтами наличных, украденных из кассы супермаркета Tesco в городе Кингз-Линн, в графстве Норфлок. Его приговорили к четырем годам тюрьмы.

* * *

Супруги-пенсионеры Пэт Дайсон и Мартин Холтби из Ланкашира вернулись домой из отпуска и, подобно трем медведям из сказки, обнаружили в своей кровати… только не Машеньку, а сладко спящего грабителя.



К их изумлению, вор Лукаш Чойновски, переехавший в Лидс из Польши, не только перемыл всю посуду и постирал у них дома свою одежду, но и немножко закупился в супермаркете.

Хозяйка дома призналась, что, когда они с мужем уезжали, их дом отнюдь не сиял чистотой, но 28-летний грабитель был так любезен, что прибрался.

«Он, правда, сжег одну кастрюльку, но с кем не бывает», – сказала Пэт Дайсон.

Чойновски сознался в ограблении и получил условный двухлетний срок и штраф в 200 фунтов.

* * *

Подозреваемый в поджоге и вандализме Дональд «Чип» Пью послал полицейским в штате Огайо селфи, потому что ему не понравилось то фото, которое было помещено на ордере на его арест.



Все еще находясь в бегах, он дал интервью местной радиостанции, разъяснив свои действия: «Я там просто ужасно выгляжу, получился на их фото черт-те как! Они меня ужасно сняли, я там вообще… черт знает, на кого похож. Нет, так не пойдет».

Полицейский участок в Лиме (Огайо) ответил так: «Мы благодарим его за помощь, но лучше было бы, если бы он у нас объявился, а то потолковать надо». Позднее он был арестован во Флориде.

* * *

В Претории (Южная Африка) мужчина попытался угнать машину, но оказался запертым внутри салона, когда в машине сработала автоблокировка.

Как писала в свое время газета Star, он просидел внутри полтора часа, крича о помощи, а прохожие потешались и ждали приезда полиции.



Пришедшая хозяйка, увидев потного незнакомца, закричала: «Что вы делаете в моей машине?».

Если у нее еще бы ли какие-то вопросы, то у полиции их уже не было. Виновного арестовали и увезли в полицейский участок Претории.

**Подготовила Юлия КИМ.**

ПОЛЕЗНО ЗНАТЬ

# Отличная работа, папа!

Отец нашел гениальный способ научить своих детей правильно обращаться с деньгами.

Короткая история одного маленького мальчика, опубликованная на странице Humans Of New York, буквально взорвала интернет. Его отцу удалось невозможное: он не просто привил своим детям бережливое отношение к деньгам, но и показал, как важно помогать другим людям.



«Каждую неделю я получаю один доллар на карманные расходы. Затем я могу выбрать, в какую секцию его положить: «сохранить», «потратить», «пожертвовать» или «инвестировать».

Если выбираю секцию «инвестировать», то сразу же отдаю доллар родителям, и в конце каждого месяца они возвращают мне накопленные деньги вместе с дополнительными процентами. Я определил свои деньги в секцию «потратить» всего лишь два раза! Остальные инвестировал, и у меня уже есть 10 долларов.

У меня могло быть и больше, но я решил пожертвовать немного денег. На них мы купили еду для людей, у которых в секции «потратить» не так много денег».

Отличная работа, папа!

Этот гениальный способ одновременно учит детей ответственному отношению к деньгам и состраданию.

# ГОРОСКОП НА НЕДЕЛЮ

## (с 24 по 30 августа)

**Овен.** Придется стремительно улаживать старые дела: завершать проекты, срочно расплачиваться с долгами. Предстоит много работы.

**Телец.** Ошибка может лишить поддержки коллег и осложнить деловые контакты. Полагайтесь на свои силы, но прислушивайтесь к советам. Можно сменить место работы, новая должность откроет заманчивые перспективы.

**Близнецы.** Появится шанс заполучить желаемую должность, а начальство, наконец, начнет замечать ваш труд. Возможны некоторые неурядицы в семье – ссоры, недопонимания. Главное – не наговорить лишнего, исправлять потом придется долго.

**Рак.** У вас появится много новых обязанностей, но они будут доставлять удовольствие – вы сами стремились к этому. Не стоит отступать от решения по делу, которое затеяли, даже если вас будут отговаривать близкие люди.

**Лев.** Хороший период, чтобы изменить подход к работе и потребовать увеличения зарплаты. Не отвлекайтесь на мелочи и избегайте конфликтов, иначе будут неприятные последствия.

**Дева.** Старайтесь не допускать ошибок в работе с документами. Тщательно проверяйте выполненную работу. Начинать новые дела не рекомендуется. Не все коллеги питают к вам симпатию. Помните об этом, когда соберетесь поделиться планами.

**Весы.** Сейчас не время долго взвешивать и медлить с решениями. Стоит согласиться на интересное предложение. Для вас открыто много дорог, это удачная неделя для перемен. Советуйтесь только со своей интуицией – она не подведет.

**Скорпион.** Не нужно сразу бросаться на амбразуру, не стоит начинать несколько дел одновременно, лучше направить силы на самые важные. Заранее продумайте возможные варианты развития событий. Повезет тому, кто точно знает, чего он хочет.

**Стрелец.** Возможен возврат к старым делам, удачная работа с бывшими коллегами. Дети порадуют успехами, а родственники, возможно, придут на помощь в нужный момент. Следует воздержаться от лишних трат, финансовая сфера не на высоте.

**Козерог.** Напряженная неделя, эмоции выходят из-под контроля, возникают трудности в отношениях с родными, коллегами. Предложение занять высокооплачиваемую должность нужно принимать сразу, иначе можно упустить свой шанс.

**Водолей.** Время, когда связи могут решить многое. Не отказывайтесь от помощи. Домашние заботы заставят потратиться. Не жалейте, главное – мир в семье.

**Рыбы.** На работе проявите деловые качества: выдержку, аналитическое мышление, способность смотреть в корень ситуации. Если ваша половинка болеет и нуждается в поддержке, проявите внимание, возьмите на себя часть домашних дел.

Руководство, личный состав Медицинского управления и центральных медицинских учреждений МВД Республики Узбекистан извещают о кончине помощника врача-эпидемиолога ГЦСЭН Медицинского управления МВД Республики Узбекистан рядовой

**Гульмиры Асановны ТИЛЯШОВОЙ**

и выражают искренние соболезнования родным и близким покойной.

ФАХР

**Бугун бутун дунё спортида ўзбек бокс мактаби ўзининг нуфузли ўрнига эга. Юртимиз «чарм қўлқоп» усталари халқаро миқёсда ўтказиб келинаётган барча мусобақаларда муваффақиятли қатнашиб, ғолиблик шоҳсупасига кўтарилаётгани қалбимизга чексиз фахр-ифтихор бағишлаётир.**




# ҒАЛАБАЛАР БАРДАВОМ БЎЛСИН!




Ўзбек бокс мактаби шуҳратини дунёга танитишда, ҳеч шубҳасиз, маҳоратли боксчимиз – Тошкент вилояти ИИББ Тезкор вазифаларни бажарувчи сафарбарлик отряди гуруҳ командири, лейтенант Исроил Мадримовнинг ҳам муносиб улуши бор.

Ҳаваскорлар ўртасида Осиё ўйинлари ғолиби, қитъа чемпиони каби нуфузли унвонларни қўлга киритган Исроил Мадримов 2018 йилда профессионал боксга ўтиб, кетма-кет ғалабаларга эришди. Яқинда эса Америка Қўшма Штатларининг Оклахома штати Талса шаҳрида ташкил этилган навбатдаги профессионал бокс оқшомида иштирок этди. Бу унинг профессионал боксдаги олтинчи жанги эди.

Американлик Эрик Уолкерга қарши ўтган беллашувнинг дастлабки қисмида рақиб бироз ташаббусга эга чиқди. Аммо Исроил тезда жангда бурилиш ясай олди. Ҳатто 9-раундда рақибини нокаутга ҳам учратди. Рефери эса вазиятни нотўғри баҳолаб, рақибга ўзига келиб олиши учун 5 дақиқа вақт берди. Шунга қарамай, ҳамюртимиз 12 раунд давом этган беллашувни яққол устунлик билан ниҳоясига етказди.

Ушбу ғалабадан кейин Исроил Мадримов ўз вазн тоифасида WBA камари учун мажбурий даъвогарга айланди.

Маҳоратли боксчимизга кейинги чемпионлик беллашувларида ҳам зафар ёр бўлишини тилаймиз!

**Ўз мухбиримиз.**

ЖУРНАЛНИ ВАРАҚЛАГАНДА

## СОҲА ҲАЁТИ БИЛАН ҲАМНАФАС

**«Qalqon-Щит» журналининг навбатдаги 7-сони ҳам босмадан чиқди. Нашрни кузатар экансиз, унинг ички ишлар органлари ҳаёти билан ҳамнафас эканлигига яна бир бор амин бўласиз.**




«Эзгу ишлар эътирофга йўл очар» мақоласида профилактика инспекторининг машаққатларга тўла бир куни ҳақида ҳикоя қилинса, «Фаолият таҳлили рақам ва мисолларда» мақоласида эса Наманган вилоятининг учинчи секторида амалга оширилаётган ибратли ишлар ўз аксини топган.

Журналдан, шунингдек, патруль-пост хизмати, Ватан ҳимоячилари, соҳа фидойилари ҳақидаги материаллар ўрин олган. Тоғли ҳудудларда хизмат қилаётган осойиштalik посбонларининг фаолияти ҳам сизни бефарқ қолдирмайди деб ўйлаймиз. Нашримизни мутолаа қилсангиз, сизни қизиқтирувчи, мулоҳазага чорловчи яна кўплаб мақолаларни топасиз деган умиддамиз.









**Postda**
На посту

MUASSIS:
O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ICHKI ISHLAR VAZIRLIGI

Bosh muharrir –
polkovnik Bernora SADIKOVA

Bosh muharrir o'rinbosari –
mayor Azizjon FAYZIYEV

Mas'ul kotiblar –
Erkin SATTOROV
Jahongir SHAROFBOYEV

Navbatchilar –
Sherzod ABDUSAMADOV
Radik TUMPAROV

Sahifalovchilar –
Ilhom JUMANOV
Akbar BOLTAYEV

TELEFONLAR:
71-231-33-88;
**Faks:** 71-231-40-05.

**Obuna masalalari bo'yicha:**
71-231-38-74;
95-177-32-31

**Web-site:** www.postda.uz
**E-mail:** info@postda.uz

ISSN 2010-5355

Tahririyat hisob raqami 20210000900447980001. Bank kodi 00420. ATIB «Ipotekabank»ning Mirobod filiali. STIR 200637499.

Tahririyatga kelgan qo'lyozma va suratlar egasiga qaytarilmaydi.
Nashrimizdan ko'chirib bosilganda manba ko'rsatilishi shart.

Gazeta tahririyat kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

«O'zbekiston» nashriyot-matbaa ijodiy uyi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Alisher Navoiy ko'chasi 30-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Adminstratsiyasi huzuridagi Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar agentligi tomonidan 2020-yil 13-yanvarda 0120-raqam bilan ro'yxatga olingan.
Buyurtma №V-4282.
Bosilish – ofset usulida.
Bichimi – A3. Hajmi – 6 bosma taboq. 53 546 nusxada chop etildi.
**Obuna raqamlari:**
Yakka tartibda – 180.
Tashkilotlar uchun – 366.
Bosishga topshirish vaqti – 22.00.
Bosishga topshirildi – 21.00.
Sotuvda kelishilgan narxda.

**MANZILIMIZ:**
**100070, Toshkent shahri, Shota Rustaveli 1-berk ko'chasi 9-uy.**